



МЕЗОНУЛ-  
АВЗОН

Ғафур Ғулом  
номидаги  
бадиий адабиёт  
намриёти  
ТОШКЕНТ  
1967



Нашрга тайёрловчи  
ИЗЗАТ СУЛТОН

Комил ҳамд ва воғир шукр ул сониъғаким, инсон хилқати байтининг назмин аносир тўрт руқни била тузди ва бу байт арконин назм аҳлининг солим табъ ва мустақим зеҳни икки мисраи била манзум кўргузди. Ва жадид наът ва қариб дуруд ул нозимғаким, олам аҳли интизоми учун шариат мезонини адл авзони била рост келтурди, то ул ростлик сикли ҳашр мезонига мадад еткурди.

Аммо баъд; солим ва мавзун табълиғ назм ахлиға ва матбуъ табъ ва мулоийим зеҳнлик шеър хайлиға маъруз улким, бу банда ҳазрати султонус-салотин муиззус-салтанин вад-дунё вад-дин Султон Ҳусайн Баҳодирхон халладаллоҳу мулкаҳу ва адома умраҳу ва давлатаҳунинг ҳар навъ назм бобида таълим ва тарбиятлари била ва ҳар синф шеър услубида тағҳим ва тақвиятлари била ажам шуароси ва фурса фусаҳоси ҳар қайси услубдаким, сўз арусиға жилва ва намойиш бериб эрдилар, турк тили била қалам сурдум ва ҳар нечук қоидадаким, маъни абкориға зийнат ва оройиш кўркузуб эрдилар, чигатой лафзи била рақам урдум. Андоқким, то бу мазкур бўлғон тил ва лафз биносидур, ҳеч нозимға бу даст бермайдур ва ҳеч роқимға бу мусассар бўлмайдур.

Аммо чун ул ҳазратнинг шариф мажлислари маоний жавоҳирининг кони эрди ва латиф табълари назм қавоидининг мезони ва замон шуароси олий даргоҳда ходим ва даврон булоғи ва зурафоси маолий боргоҳда мулоэзим эрди-

лар, мудом назм ва насрдин сўз мазкур ва аладдавом шеър ва муаммодин табъ натойижи мастур бўлур эрди ва ул ҳазратнинг дақоиқ шиор табълари назм ойини ва интишорига толиб ва ҳақоиқ осор зеҳнлари шеър тартиби ва иштиҳорига роғиб; андоқки, назм аҳлиниг шакаррези ва муҳаббат хайлиниг оташ ангези, дард ва шавқ тариқининг покрави, яъни Амир Ҳисрав Деҳлавий равваҳаллоҳу руҳаҳунинг ғазалиётиниким, тўрт девонга машҳурдур, улча саъӣ ва имкони бор, қилилиб, йигдурдилар ва аниг аёти адади ўн секкиз мингга етти ва ани ғояти зийнат ва зеб ва ниҳояти тақаллуғ ва жадвал ва таъзиб била замон хушнависларига китобат қилдурдилар ва аниг ривож ва равнақин қуёшдек ройи оламори машғуллиқи била фалакдин ошурдилар. Чун ул маликул-калом бу фанда маҳорат ва камолидин ва амийқ табъ ва дақиқ хаёлидин кўпрак баҳрда шеър айтибдур ва аксар назм номатбуъ вазнда дебдур ва замон зурафосидин баъзининг солим табъи аниг балогатидин қосир ва идрокидин мутаҳаййир, балки мутанаффир эрди. Ул ҳазратнинг ҳумоюн табъларига гарип ихтирос ва ажиб ижтиҳоде келдиким, ҳаргиз салотиндин, балки шуаройи назм ойиндин ҳеч кимниг хаёлига келмайдур ва хотирига хутур қилмайдур.

Аниг шарҳи будурки, ул девонда ҳар ғазал бошида ул ғазал не баҳрда ва не вазнда әрканин ва арконига қайси зиҳоф кириб, не навъ тагайюр топқанин битгайлар ва сабт қилгайлар, то барча эл ул баҳр аҳволини ва ул вазн ашқолини маълум қилгайлар, ва алҳақ бу хаёл асру гарип ва нодир тушубдур, балки жамъ девон тартиб берган шуарога азим ҳақке событ бўлубтур. Ва бу банданинг даги тўрт девонигаким, туркча тил билан назм топибдур ва аёти адади йигирми беш мингга яқинлашибдурким, ул ҳазратнинг ҳумоюн алқобига рақам топибдур ва музайян бўлубтур, ҳам ушбу мазкур бўлғон дастур била тартиб берилибдур.

Чун ул ҳазратнинг муборак хотирлари шеър буҳур ва авзонига ва назм қавоид ва мезонига мунча мойил эрди, аruz фаннида бу муҳтасар сабт бўлди ва анга «Мезонул-авзон» от қўюлди ва неча қоида ва доира ва вазнким, ҳеч аруза, мисли фан возии Ҳалил ибни Аҳмад ва илм устоди Шамс Қайс кутубида ва Ҳожа Насир Гусейнинг «Меёррул-ашъор»ида, балки Ҳазрати Махдумий наввара марқадаҳу нуран «Аруз»ларида йўқ эрдиким, бу фақир бу фан усулидин истихроҳ қилиб эрдиким, бу китобга изофа қил-

дим. Эмди тенгридин тавфиқ тилаб, ул азизлар руҳидин истимдод қилиб, шурӯв қилилур.

Аммо билгилким, аruz фаниким, назм авзонининг мезонидур, шариф фандур. Невчунким, назм илмининг рутбаси бағоят бийик рутбадур. Андоқки, ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг қаломи мажидида кўп ерда назм воқеъ бўлубтурки, аruz қавоиди била ростдур. Ул жумладин бири бу оятдурким: «Лан танолул-бирра хато илон»дур; «рамали мусаддаси маҳзуф» воқеъ бўлубтур. Ва яна будурким: «Валмурсалоти урфан, фал-осифоти асфанд»ким, вазни: «мағъбулу фоъилотун мағъбулу фоъилотун»дур, «музореи мусаммани ахраб» воқеъ бўлубтур. Ва яна: «Ҳанноти аднин фадхуллухо холидин»ким, вазни: «мастафъилун мустафъилун мустафъилон»дур ва «ражази мусаддаси музол» воқеъ бўлубтур. Ва қаломулода кўп ерда бу навъ воқеъдур. Ва расул саллаллоҳу алайҳивассаллам аҳодисида даги ҳам бу тариқ тушубтур. Ул жумладин бири будурким, «ман акрама олиман фақад акрамани» ким, вазни: «мағъбулу мағоилун мағоийлу фаул»дур, ва рубоий вазнида «ҳазажи ахраби мақбузи макфуфи мажбуб» воқеъ бўлубтур.

Ва амирул-мўминин Али каррамаллоҳу важҳаҳунинг ашъори кўпдур, балки девони бор. Яна машойих ва аимма ва авлиёуллодин ҳам кўп азимуш-шаън элнинг назми, балки девони ва маснавий тариқи била китоблари борким, истишҳодға ҳожат әрмас, нечунким, ҳалойиқ қошида равшандуур ва ҳам сўз татвил топар. Ва бу назмларнинг асли ва зобитаси аruz буҳур ва авzonига мавқуфдур.

Бас событ бўлдиким, аruz фанни шариф фандур. Ва буким, бу илмни нечун «аруз» дедилар, муҳталиф ақвол бор. Ул жумладин, бири била иктифо қилилур. Ва ул будурким, Ҳалил ибни Аҳмад раҳматуллоҳи, бу фаннинг вознидур, чун араб әрмиш ва аниг яқинида бир води әрмишки, ани «Аруз» дерлар әрмиш ва ул водида аъроб уйларин тикиб, жилва бериб, баҳоға киюрурлар әрмиш. Ва уйни араб «байт» дер. Чун байтларни бу фан била мезон қилиб, мавзунини номавзундин аюрурлар, гүёғи қиймат ва баҳоси маълум бўлур, бу муносабат била «аруз» дебтурлар. Байтники уй оти бирла отабдурлар, муносабати муни дебдурларки, уйнинг чун биноси тўрт руҳи биладур, бу байтнинг ҳам биноси тўрт руҳи биладур, бу байтда ҳам маъни ҳайсиятидин кўп нималар бўлур, ҳатто уйнинг маҳ-

зунот ва маҳфиёти ўрнига ҳам мунда маҳфий ва мактум хаёлот ва маони топса бўлур, бу муносабатлардин ани «байт» дебдурлар.

Аммо маълум бўлсунким, аruz фанни аҳли наэм авзани усулининг биносин уч рукинга қўюбтурларким, аларни сабаб ва ватад ва фосила дебтурлар.

Сабаб икки навъдур: сабаби хафиф, ва ул лафзедур муштамил: бир мутаҳаррик ва бир сокинға, андоқким, май (می) ва най (نی) ва гул (گل) ва мул (مل). Ва сабаби сақийл, ва ул лафзедур муштамил: икки мутаҳаррикка, андоқким, юзи (یوزى) ва кўзи (کووزى) ва хати (خطى) ва қади (قدى).

Ва ватад дағи икки қисмдур: ва ватади мажмуъ, ва ул лафзедур: икки бурунқи ҳарфи мутаҳарriк ва бир сўнгқи ҳарфи сокин, андоқким, шажар (شجر) ва самар (ثمر) ва Хутан (ختن) ва Адан (عدن). Ва ватади мафруқ, ва ул лафзедур: бурунқи ва сўнгқи ҳарфи мутаҳарriк ва ўртанчи ҳарфи сокин, андоқким, хома (خام) ва нома (نام) ва ноқа (نقطه) ва фоқа (فؤقة).

Фосила дағи икки навъдур: Фосилаи суғро, ва ул лафзедур: уч ҳарфи мутаҳарriк ва тўртунчи ҳарфи сокин, андоқким, мираким (میر کیم) ва юраким (یور کیم). Ва фосилаи кубро, ва ул лафзедур: тўрт ҳарфи мутаҳarriк ва бешинчи ҳарфи сокиндур, андоқким, яшамаган (یشمغان) ва қасамаган (کسمن).

Ва бу арконнинг мажмуи бу калимот таркибида даражадурким: «Ул кўзи қаро дарду ғамидин чидамадим».

Ва мавзун калом таълифи бу арконнинг ҳеч қайсини то яна бирига мураккаб қилмағайлар, мустаҳсан тушмас. Не сабабдин, андоқким, байт:

Эй ой, келким, ёрингдурмен,  
Фурқат шоми зорингдурмен.

Ва не автоддин, андоқким, байт:

Қади ҳавосидин гаҳи шажар сари назар қилай,  
Юзи хаёлидин гаҳи чаман сари гузар қилай.

Ва не фавосиддин, андоқким, байт:

Мираким, тилаким чу сен ўлдунгу бас,  
Не қилай яналар кўрарни ҳавас.

Бас мавзун калом таълифида бу аркон таркибидин гузир йўқтур ва араб ва ажам шуаросининг жамиъ ашъори мураккаб бу аркон ижтимоидиндур, ва аruz аҳли ани «афоййл» ва «тафоййл» дерлар ва ул секкиз фаслга мунҳасирдур:

1) Фаъулун — ( فعلون ) — ватади мажмуъ тақдими била сабаби хафифқа.

2) Фоъилун — ( قاعلن ) — сабаби хафиф тақдими била ватади мажмуъқа.

3) Мафоъийлун — ( مفاعيلن ) — ватади мажмуъ тақдими била икки сабаби хафифқа.

4) Мустафъилун — ( مستفعلن ) — икки сабаби хафиф тақдими била ватади мажмуъқа.

5) Фоъилотун — ( فاعلان ) — ватади мажмуъ кидурмак била икки сабаби хафиф орасига.

6) Мафоъилатун — ( مفاعيلن ) — ватади мажмуъ тақдими била фосилаи сурроға.

7) Мутафоъилун — ( متفاعلن ) — фосилаи суғро тақдими била ватади мажмуъға.

8) Мафъулоту — ( مفعولات ) — икки сабаби хафиф тақдими била ватади мафруққа.

Ва улча бу секкиз усуудин форсий шеърда касирулвуқуъдур — бешдур: 1) мафоъилун, 2) ва фоъилотун, 3) ва мустафъилун, 4) ва мафъулоту, 5) ва фаъулун. Ва туркча шеърда ҳам, улча мулоҳаза қилилибдур, бу аркондин ўзга вуқуъ топмас, магар тақаллуф била. Ва бу беш аслнинг ҳар бирига неча фаръдурким тағайюрлар сабабидинки, ани арузийлар «зиҳоф» дерлар, ҳосил бўлур. Ул жиҳатдин зиҳоф ва фуруъ орасида бир фасл тартиб берилди.

Фасл. Мафоъийлун зиҳофоти ўн бирдур ва фуруи дағи ўн бирдур. Аммо зиҳофи: 1) «Қабз» — мафоъийлун «ё»синг исқотидур, то мафоъийлун қолғай. 2) «Қаф» — мафоъийлун «нун»ининг исқотидур, то мафоъийлун қолғай. 3) «Ҳарм» мафоъийлун «мим»ининг исқотидур, то фоъийлун қолғай ва мафъулун анинг ўрнига битарлар. 4) «Ҳарб» — мафоъийлун «мим»и ва «нун»ининг исқоти-

дур, то фоъийлу қолғай ва мафъулу анинг ўрнига битарлар. 5) «Шатар» — мафоъийлун «мим» ва «ё»сининг исқотидур, то фоъилун қолғай. 6) «Ҳафз» — мафоъийлуннинг охир жузвининг охир сабаби хафиғи исқотидур, бас мафоъийлундин мафоъий қолғай ва фаъулун анинг ўрнига қўярлар. 7) «Қаср» — охир жузвининг, яъни сабаби хафиғи охирининг исқотидур ва мақобилининг искони бас мафоъийлун мафоъийл бўлғай. 8) «Ҳатм» — «ҳазоф» ва «қаср» ижтимои, (бас) мафоъийлунда мафоъ қолғай ва фаъул анинг ўрнига қўярлар. 9) «Жабб» — икки сабаби хафиғи исқотидур, бас мафоъийлундин мафоъ қолғай ва фаъул анинг ўрнига қўярлар. 10) «Залал» — «ҳатм» ва «харм» ижтимоидур, мафоъийлунда бас фоъ қолғай. 11) «Батар» — «жабб» ва «харм» ижтимоидур, мафоъийлунда бас фоъ қолғай, фаъ анинг ўрнига қўярлар.

Аммо фуруъи: мафоъилун — мақбуз; мафоъийлу — макфуф; мафаъулун — аҳрам; мафаъулу — ахраб; фоъилун — аштар; фаъулун — маҳзуф; мафоъийл — мақсур; фаул — аҳтам; фаул — мажбуб; фоъасалл; фаъ — аబтар.

Фоъилотун зиҳофоти ўндуру ва фуруъи ўн беш. Аммо зиҳофоти: 1) «Ҳабн» — аввал жузвининг сабаби хафиғининг сокин ҳарфининг исқотидур, бас фоъилотундин фоъилотун қолғай. 2) «Қаф» — бешинчи ҳарф исқотидур, бас фоъилотун фоъилотун бўлғай. 3) «Шакл» — «хабн» ва «каф» ижтимоидур, бас фоъилотун фаъилоту бўлғай. 4) «Ҳазоф» — фоъилотунда «то» ва «нун» исқотидур — фоъило бўлур ва фоъилун анинг ўрнига битирлар. 5) «Қаср» — фоъилотунда фоъилот бўлур ва фоъилон анинг ўрнига қўярлар ва баъзи ҳамул «то»га тағиyr бермай мазкур қилурлар. 6) «Қатъ» — фоъилотунда сўнғи сабаб исқотидур ва ватад сокинининг ҳам исқоти ва моқабли искони, бас фоъил қолғай ва фаъулун анинг ўрнига қўярлар, аммо баъзи ани салм дебдурлар. 7) «Ташъис» — фоъилотун ватадининг икки мутаҳарриқидин бирининг исқотидур, то фоъетун қолғай ё фолотун қолғай, ҳар тақдир била мафъулун анинг ўрнига қўярлар. 8) «Жаҳф» фоъилотунни хабн қилмоқ дур ва фосилани исқот қилмоқ, тун қолғай, фаъ анинг ўрнига қўярлар. 9) «Тасбиф» — охир жузвининг сабаби хафиғифа бир ҳарф ортурмоқдурким, фоъилотун фоъилотон бўлғай, фоъилиён анинг ўрнига қўярлар. 10) «Рабъ» — фоъилотунда қатъ ва хаб ижтимоидурким, фаул қолғай.

Аммо фуруъи: файлутун — маҳбун; фоъилатун — макфур; фаъилоту — машқул; фоъилун — маҳзуф; файлон маҳбуни мақсур; фоъилун — маҳбуни — маҳзуф; фаълун — мақту; мафъулун — мушаъас; фаълон — мақту мусаббаб; фаул — марбуъ; фоилиён — мусаббаг; фаълиён — маҳбуни мусаббаг; фоъ-мажҳуфи мусаббаг; фаъ — маҳжуф.

Ва мустафъилун зиҳофоти тўққуздур ва фуруъи ўн тўрт. Аммо зиҳофоти: 1) «Ҳабн» — мустафъилунда мутафъилун бўлур, мафоъилун анинг ўрнига қўярлар. 2) «Тай» — мустафъилуннинг тўртунчи ҳарфининг исқотидур, мустаъилун қолур, муфтаъилун анинг ўрнига қўярлар. 3) «Қатъ» — мустафъилуннинг «нун»ининг исқотидур ва «лом»ининг искони, мустафъил қолур, мафъулун анинг ўрнига қўярлар. 4) «Тахлиъ» — мустафъилунда «хабн» ва «қатъ» ижтимоидур, мутафъил қолур, фаъулун анинг ўрнига қўярлар. 5) «Ҳазаж» — мастафъилуннинг ватади исқотидур, мустафъил қолур, фаълун анинг ўрнига қўярлар. 6) «Рафъ» — бир сабаби хафиғ исқотидур, ул жузвдинким, аввали икки сабаби хафиғидур, бас мустафъилундин тафъилун қолғай, фоъилун анинг ўрнига қўярлар. 7) «Ҳабл» — мустафъилундин «син» ва «фо» исқотидур, яъни «хабн» ва «тай» ижтимоидур, мутаъилун қолур, фаъилатун анинг ўрнига қўярлар. 8) «Изола» — мустафъилуннинг охиридағи ватади мажмуъға бир сокин ортурмоқдур, мустафъилон бўлур. 9) «Тарфил» — мустафъилуннинг ватади мажмуъига бир сабаби хафиғ изофа қилмоқдур, мустафъилотун бўлур, мустафъилотун анинг ўрнига қўярлар.

Аммо анинг фуруъи: мафоилун — маҳбун; муфтаилун — матвий; мафъулун — мақтуъ; фаулун — мухаллаъ; фаъилун — маҳзуз; фоъилун — марфуъ; файлутун — маҳбул; мафоилон — матвийи музол; мустафъилен — музол; файлатор — маҳбуни музол; мафоилотун — маҳбуни мураффал; муфтаилотун — матвийи мураффал; мустаъилотун — мураффал.

Мафъулоту зиҳофоти тўққуздур ва фуруъи ўн тўрт. Аммо зиҳофоти: 1) «Ҳабн» — мафъулотуда мафъулоту бўлур ва мафоъилу анинг ўрнига қўярлар. 2) «Тай» — мафъулотуда мафъилоту бўлур, фоъилоту анинг ўрнига қўярлар. 3) «Ҳабл» — мафъулотуда «хабн» ва «тай» ижтимоидур, маъйилоту бўлур, фаъилоту анинг ўрнига қўярлар. 4) «Вақф» — мафъулоту «то»сининг исконидур, мафъулон анинг ўрнига қўярлар. 5) «Қашф» — мафъулоту «то»сининг

исқотидур, мағъулун анинг ўрнига қўярлар. 6) «Салм» (<sup>سلم</sup>) —мағъулоту ватадининг исқотидур — мағъу қолур, фаълун анинг ўрнига қўярлар. 7) «Жадъ»— мағъулотунинг иккала сабабининг исқоти ва «то»сининг исқонидур — лот қолур, фоъ анинг ўрнига қўярлар. 8) «Наҳр»— мағъулотунинг иккала сабаби ва «то»сининг исқотидур — ло қолур, фоъ анинг ўрнига қўярлар. 9) «Рафъ»— мағъулотунинг бурунқи сабабининг исқотидур, улоту қолур, мағъул анинг ўрнига қўярлар.

Аммо анинг фуруъи: мағойилу — маҳбун; фоилоту — матвий; фаилоту — маҳбул; мағъулон — мавқуф; мағъулун — макшуф; фаулун — маҳбуни макшуф; фаулон — маҳбуни мавқуф; фаълун-аслам (<sup>صلام!</sup>); фоilon — матвии мавқуф; фоилун — матвии макшуф; фаилун — маҳбуни матвии макшуф; мағъулу — марфуъ; фоъ — маждүй; фаъ — манхур.

Ва фаулуннинг зиҳофоти олтидуур, фуруъи ҳам олти. Аммо зиҳофоти: 1) «Қабз» — фаулунда фаул бўлур, «лом» замми бирла. 2) «Қаср» — фаулунда фаул бўлур, «лом» сукуни била. 3) «Ҳазф» — фаулунда фау бўлур, фаул анинг ўрнига қўярлар. 4) «Салм» (<sup>سلام</sup>) —фаулунда «фо» исқотидур, улун қолур: фаълун анинг ўрнига қўярлар. 5) «Сарм» — фаулунда «фо» ва «нун» исқотидур, улу қолур, фаълу анинг ўрнига қўярлар. 6) «Батар» — фаулунда ватади мажмуъ исқотидур, лун қолур, фаъ анинг ўрнига қўярлар.

Аммо анинг фуруъи: фаулу — мақбуз; фаулу — мақсур; фаул — маҳзуф; фаълун — аслам (<sup>صلام!</sup>); фаълу — асрар; фаъ — абтар.

Фасл. Чун авзон ва баъзи зиҳофот фуруъиким, мухтожун илайҳ әди, билинди. Эмди билким, буҳуреки баъзининг такори ва баъзининг таркиби баъзи била ҳосил бўлур, ўн тўқузудур, баъзи арабқа маҳсус ва баъзи ажамқа маҳсус ва баъзи муштарак ва турк шуаросига миллати истиъмолдин ҳеч қайси бу вақтқа дегинча маҳсус эмас әрмиш ва мулоийим табълиф нозимлар ҳар баҳр ва вазнда қайфа маттафақ наэм айтур әрмишлар ва аruz қоида ва зобита-сидин ороий әрмишлар, то бу вақт тенгри иноятидин турк тили била шеър ажам шуаросига маҳсус буҳур ва авзон дағи назм силкига кирди.

Аммо буҳур асомиси: тавил, мадид, басит, воғир, комил, ҳажаз, ражаз, рамал, мунсариҳ, музориъ, муқтазаб, мужтасс, сариъ, жадид, қарийб, хафиғ, мушокил, мутақориб, мутадорик.

Аммо тавил ва мадид ва басит биноси икки муҳталиф жузвғадур, бири хумосий ва бири субоий.

Тавил ажзоси икки қатла: «фаулун мағойилун (фаулун мағойилун)»дур, андоқким, байт:

Десам оразу зулфунг ул ўтдур, тутундур бу,  
Дер ондин санга қуймак, бу бирдур қаро қайғу.

«Фоъилотун фоъилун»дур, андоқким (байт):

Чеҳрадин бурқаъ очиб ўтқа куйдурдунг мани,  
Чун кул ўлди пайқарим, кўкка совурдунг мани.

Ва басит ажзоси икки қатла: «мустаъилун фоъилун мустағъилун фоъилун»дур, андоқким, байт:

Ишқинг мени туну кун мажнуну зор айламиш,  
Кўнглумни зору ҳазин, жисмим низор айламиш.

Воғир ва комил биноси субоётғадур: мураккаб беш мутаҳаррик ва икки сокиндин. Воғир ажзоси мусаддасда олти қатла «мағоилатун», андоқким, байт:

Не фурқат эрур сенсизин ўртанур юраким,  
Не бўлғай агар манга гузар айласанг, мираким.


Ва комил ажзоси ҳам мусаддасда олти қатла «мутафоъилун»дур, андоқким, байт:

Не бало эмиш сенинг ул хиром ила қоматинг,  
Гаҳи суръатинг, гаҳи ноз бирла иқоматинг.

Ва ажам шуаросига бу беш биҳордаким, мазкур бўлди, назм оз воқеъ бўлмиш бўлғай.


Аммо ҳажаз ва ражаз ва рамал биноси тавил ва мадид ва баситнинг субоётғадур. Ҳазажи мусаммани солимда секкиз қатла «мағоъийлун»дур, ва ражаз ажзоси саккиз қатла «мустағъилун»дур ва рамал ажзоси саккиз қатла «фоъилотун» дур. Ва бу баҳрни биро доираға қўюбтурлар

ва ул доирани «Мұтталифа» дебдурлар. Ва ул бу сурат била-  
била дүрүп:



Мунсариқ ва музориъ ва муқтазаб ва мужтасс вә сариъ  
ва жадид вә қарийб вә хафиф вә мушокил биноси субоиёт-  
қадурки, анда ихтилофдур, салимларин бир доирала жамъ  
қылмайдурлар. Аммо мунсарихи матвий вә музориъи мат-  
вий вә макфуф вә муқтазаби матвий вә мужтасси макфуф  
ва махбунники, мусамманул-ажзодурлар, бир доираға



қўюб, ул доирани «Мұхталифа» дебдурлар. Бу сурат била-  
била дүрүп:



Ва сариъи матвий вә жадиди махбун вә мақбуз вә қарийби макфуф вә матвий вә хафиғи дифис махбун вә мақ-  
буз вә мушокили макфуфу мақсурки мусаддасул-ажзо-

дурлар, бир доирага қюоб, ул доирани «Мунтазиа» атаб-дурлар. Бу сурат биладур:

да құюб, отин «Мұттағиқа» дебтурлар. Бу сурат биладур:




Ва мутақориб ва мутадорик ажзоси хулюсиётқадурки, мураккаб уч мутаҳаррик ва икки сокиндиндурлар. Мутақориб ажзоси секкиз қатла «фаъулун» ва мутадорик ажзо-си секкиз қатла «фаъилун» ва бу икки баҳрни бир доира-

Агар мунсарих ва музориъ ва муқтазаб ва мужтасс бахриға зиҳофот йўл берил, мусамман қилиб, бир доира қўюбтурлар ва сариъ ва жадид ва қарийб ва хафиғ ва мушокил баҳриға даги зиҳофот дохил қилиб, яна бир доира қўюбтурлар. Аммо буларнинг солиминики, анга ҳеч зиҳоф кирмамиш бўлғай, ҳеч доирага тартиб била забт қилмайдурлар.


Бу мазкур бўлған тўққуз асл баҳрнинг солиминики, зиҳофот духулидин саломат қолмиш бўлғайлар, бир доираи

азимада жамъ қилиб, ҳар бирининг ўрнига алоҳида мисол келтуруб, тўқуэтасини яна бир мисраъдин ҳам истихроj қилиб, ул «Доираи мұхтамиа» дейилди ва бу доира расми замон зурафосидин баъзининг хаёлига келиб эрди, аммо фақир анга тартиб бердим ва ул бу нағъ сурат биладур, ҳоказо:




Ва комил баҳри била воғир баҳрида чун назм кам воқиъ бўлубтур, агар солим ва матбуъ баҳрлардур, аммо доирасига оз таъярруз қилибдурлар, ул икки баҳрга даги дои-

ра қўюлди ва анинг отин «Доираи мұхталита» дейилди, бу сурат биладур:



Аммо тавил ва мадид ва басит баҳри араб шуаросининг махсусидур, алар арузларида доираға киорубдурлар ва ажам шуароси анга машғул бўлмайдурлар, аларни дағи бир доираға киоруб, бу мұхтасарға дохил қилилдиким, ул дои-

радин орий бўлмагай ва ани «Доираи муштабиқа» дебдурлар, бу сурат биладур:



**Фасл. Шеър тақтиғи иборат андиндурким, байт алфозини бир-бираидин айиргайлар, ул навъким, байтнинг ҳар миқдори тенг тушгай ул биҳорнинг афоъийлидин биригаким, ул байт баҳрда воқиъдур, ва тариқи будурким, мулоҳаза ҳаракатнинг нафсиға воқиъ бўлғай, йўқим, аҳволигаки, ул фатҳа ва замма ва касрадур ва малғуз эътибор қилғай, йўқки мактуб, ва ҳар ҳарфки лафзда қелгай, агарчи китобатда бўлмагай, тақтиъда ҳисобга киргай, нечукким,**

мушаддад ҳуруф ва «калиф»декки, «ҳамза» ишбоъидин ҳомилса бўлур, андоқким, мисраъ:

Кетти улким, сендин ором истагаймен, эй кўнгул,

**Тақтиғи:** Кетти улким фоилотун сендин ором фоилотун истагаймен, фоилотун эй кўнгул фоилун ким мулоҳаза қилилса бу мисраъда ўн тўрт ҳарфи тақтиъ қилурда хориж бўлур. Ва ул «ё»ларким, хастае ва бастае ва ёрае ва оворае ва ёнае лафзидек танқир ва сифат ҳолида зоҳир бўлур, тақтиъ чоги дохил қилурлар, андоқким, байт:

Хастаеким, бастаи ул зулф эрур,  
Ўйла йўқ де — фоилотун — вонаи фар —  
фоилотун зонаи фоилун.

**Тақтиғи:** Хастаким фоилотун бастае ул фоилотун зулф эрур фоилун. Ўйла йўқ де — фоилотун — вонаи фар — фоилотун зонаи фоилун.

Аммо улча китобатда бордур ва лафзда йўқтур — «атфи вовий»дек мисли: **جانو جهان** (жону жаҳон) ва заммаи лаенийи вовийдек, мисли: **بو و يو** (бу ва йу) ва заммаи ишбонийи вовийдек, мисли: **خواب و خورд** (хобу хўрд); андоқки, бу мисол учаласига шомиллур, мисра:

Хўрду хобим бу дабистон айламиш.

Ҳамул ўтган дастур била тақтиъ қилилур. Яна «ҳо» ҳарфиги, талаффузға кирмаски: **چاره و یاره** (яр) (важқ ва хора ва ёра)дек, агар байт ўртасида воқиъ бўлса, тақтиъдин соқит бўлур ва агар байт охирида тушса, соқин ҳарф ҳисобига кирап, андоқким, шеър:

Чунки ул юз гуле эрур тоза, (**چاره**)

Тоза гулга не ҳожати ғоза. (**غاز**)

Яна «нун» ҳарфидур, ҳар «нун»ки, «вов ва алиф ва «ё»дин сўнгра воқиъ бўлсаки, моқабилаи ҳаракати аларнинг ўз жинсидин бўлса, агар байт ўртасида тушса ва анга ҳаракат орис бўлса, тақтиъдин соқит бўлур, андоқким, мисраъ:

Жонон мани маҳзунга қилур ким пинҳон.

Яна «то» ҳарфидур. Ҳар «то» ки андин бурун бир сокин ҳарф бўлгай مست الست (маст, аласт) дек, чун байт ўртасида бўлса, бир мутаҳаррикка маҳсубдур ва агар байт охирида тушса, бир сокин ҳисобига кирап, андоқки, мисраъ:

Лаълинг майдин эрур кўнгул масти аласт.

Яна ҳар сокин ҳарфиким, яна бир сокиндин сўнгра воқиъ бўлса, андоқким, мисраъ:

Яна ёр айлади бедоде бунёд.

Ва ҳар «то»ки яна андин бурун икки сокин бўлгай, агар байт ўртасида тушса ва талафузга кирса ўз моқабили била, ҳар бири бир мутаҳаррик ҳисобига кираплар, андоқким, мисраъ:

Гам ювидин кўнгулда кўфтидурур.

Ва агар байтнинг охирида тушса, ҳар ҳол била тақтиъда соқит бўлур, невчунки, аruz авзонида уч сокин ҳеч важҳ била жамъ бўлмас, андоқким, мисраъ:

Жаҳон бўлмасун дўст гар бўлмаса дўст.

Ва ҳам бу навъдур «бо ҳарфи کشتساسب (Гаштосб) била (لهر اسپ) (Лўхросб)да.

Ва яна «алиф»дур, ҳар мутаҳаррик «алиф»ким, анинг ҳаракатин мұқбилиға нақл қилсалар, тақтиъ(да) соқит бўлур, андоқким, мисраъ:

Ман агар ёрдин айрилмасам әрмасдур тонг.

Яна «ё» ҳарфидур, чун «ё» ҳарфидан сўнгра мутаҳаррик «алиф» ким, машқда бўлгай, чун талафузга кирмагай, тақтиъдин соқит бўлгай, андоқким, мисраъ:

Борди ул шўху кетти иш мендин.

Ва яна аксар малфуз ҳарфиники, гайри мактубдур ва мактуб ҳаргиники, гайри малфуздур, бу мазкур бўлған ҳуруфга мунҳасир билмагайлар.

Яна туркча алфоздурким, анда «алиф» ва «вов» ва «ё» фатҳа ва замма ва касра ҳаракати ўрнига битилурки, бу ҳеч маҳалда ҳарф ҳисобига кирмас, балки ҳаракат ўрнига-

дурур, магар баъзи ёрдаким, байтнинг охирида тушган ва ани заруратдин қоғия қилмиш бўлгайлар, андоқким, байт:

Белингу зулфунг хаёлин шарҳ әтармен мў-бамў,  
Ташнадурмен лаълинга то бордурур жонимда сув.

Яна ортуқси «нун»лардурким, сўз иртиботи учун замойирда «нинг» (نینگ) лафзида битилур, мисли «онинг» ва «менинг» ва «сенинг» лафзида, андоқким, байт:

Эй кўнгул, билгилки бу жон не сенингдур не менинг,  
Балки онингдур десанг Кимнинг дейинким ёринг.

Ва бу мазкур бўлғон алфознинг «коф»лари дурким, «коф» ўрнига битилур, аммо талафузга «коф» ўрнига кирмас. Ва яна «нун» била «коф»лардурким онинг ва менинг ва тонг ва ўнг ва сўнг ва нанг ва танг آنینک و مينیک و تانک و اوونک و سونک و ننک و تنک лафзида воқиъдурким, барчаси тақтиъда соқит бўлур.

Чун бу муқаддимот баёнига кирди, аммо билмак кераким, бу саноат арбоби аввалги мисраънинг бурунки жузвин «садр» дерлар, сўнгги жузвин «аруз» дерлар ва сўнгги мисранинг бурунки жузвин «ибтидо» дерлар ва сўнгги жузвин «зарб». Ва улча «садр» ва «аруз» ва ибтидо ва «зарб» орасидадур, ани «ҳашв» дерлар ва ҳар байтни анинг тақтиъида зиҳофе воқиъ бўлмайдур, они «солим» дерлар.

Энди ҳар бирининг солимин ва ё зиҳофиким, анга кириб, ани солимлигидин чиқорибдурки, андин баъзи матбуъ тушубдур ва баъзи номатбуъ тартиб била адо қилилур.

Чун ҳажаэз ва ражаз ва рамал баҳри бурунки доираға кирдиким, «муъталифа»га тасмия топти ва бурунроқ ҳазаж мазкур бўлди, андин ибтидо қилилур.

(ҲАЗАЖ БАҲРИ)

(Ҳазажи мусамман)

Ҳазажи мусамманни солимул-арков

Зиҳи мулкунгнинг ўн секиз мингидин бир келиб олам,  
Бу олам ичра бир уйлук қулуңг Ҳавво била Одам.  
Мафоъийлун мафоъийлун мафоъийлун

## **Ҳазажи мусаммани мусаббаг**

Майи лаълингга гўёким, ҳаёти жон әрур мамзуж,  
Ки ул әрмас зулоли чашмаи ҳайвон әрур мамзуж.  
Мафоъийлун мафоъийлун мафоъийлун

## **Ҳазажи мусаммани маҳзуф**

Зиҳи қаддинг ниҳоли бутуб жон гулшанидин,  
Юзунг меҳри кўнгулга кириб кўз равзанидин.  
Мафоъийлун мафоъийлун, мафоъийлун мафоъийлун

## **Ҳазажи мусаммани ахраб**

То кўз била қўнглумни ул ғамза мақом этмиш,  
Қонимни ҳалол айлаб, уйқумни ҳаром этмиш.  
Мафъулу мафоъийлун мафъулу мафоъийлун

## **Ҳазажи мусаммани макфуфи мақсур**

Зиҳи қадду юзунг кўрса ўётлиг парию ҳур,  
Десам сарву гул әрмас бу муҳиқмен доги маъзур.  
Мафоъийлу мафоъийлу мафоъийл

## **Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсур**

Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод,  
Булбул киби ҳажрингда ишим нолау фарёд.  
Мафъулу мафоъийлу мафоъийл

## **Ҳазажи мусаммани макфуфи маҳзуф**

Кўзунгдек қони нарғис, юзунгдек қони гулшан?  
Энгиндек қони насрин, қадингдек қони савсан?  
Мафоъийлун фаулун мафоъийлу фаулун

## **Ҳазажи мусаммани макфуфи мақсур аруз ва зарб**

Жамолингга неча боқсам әрур ҳуснинг фузунроқ,  
Ҳаёлингга неча тушсам бўлур фикрим узунроқ.  
Мафоъийлун мафоъийлун мафоъийлун мафоъийл

## **Ҳазажи мусаммани ахраби макфуф**

Ортар манга ҳайрат гар онинг ҳуснига кўз солсам,  
Ўртар мани гайрат гар ўртар чоғда боқиб қолсам.  
Мафъулу мафоъийлу мафоъийлун

## **Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф**

Ишқ ичра қони мен қиби зеру забар ўлғон,  
Ҳарқимки йўқ андин батар ўлғон, батар ўлғон.  
Мафъулу мафоъийлу мафуулун

## **Ҳазажи мусаммани аштари маҳзуф**

Эй хатинг муанбар, вэй қадинг санубар,  
Раҳм қилки, бўлдум фурқатингдин абтар.  
Фоилун фаулун фоилун фаулун.

## **(ҲАЗАЖИ МУСАДДАС)**

### **Ҳазажи мусаддаси солим**

Зиҳи рухсоринг олида қуёш тийра,  
Қуёшдин йўқки ондин өл кўзи хийра.  
Мафоъийлун мафоъийлун мафоъийлун

### **Ҳазажи мусаддаси мақсурни аруз ва зарб**

Унутмоғилки, то ҳажр әтди бедод,  
Мани бир нома бирла қилмадинг ёд.  
Мафоъийлун мафоъийлун мафоъийл

### **Ҳазажи мусаддаси маҳзуфи аруз ва зарб**

Ики кўз манзилинг, эй моҳ маҳмил,  
Кўнгулга азм қил манзил-баманзил.  
Мафоъийлун мафоъийлун фаулун

### **Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи садр ва хашиб**

Боғ ичра чу гарм бўлди бозоринг,  
Юз важқ ила бўлди гул харидоринг.  
Мафъулу мафоъилун мафоъийлун

### **Ҳазажи мусаддаси ахраби макфуфи садр ва хашиб**

Эй ҳусни жаҳон ичра бало солғон,  
Қатл этгали халқ узра сало солғон,  
Мафъулу мафоъийлу мафоъийлун

### Ҳазажи мусаддаси ахраби макфуфи маҳзуф

Гар қад будур, эй сарви суманбар,  
Тубий санга бир бандай чокар.  
Мафъулу мафоъийлу фаулун

### Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур

Эй лаъли лабинг учун фидо жон,  
Қолмиш ул ики лабинг аро жон.  
Мафъулу мафоъилун мафоъийл

### Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф

Сансиз манга умру жон керакмас,  
Ҳажринг аро хону жон керакмас.  
Мафъулу мафоъилин фаулун

### Ҳазажи мусаддаси ахрами аштари маҳзуф

Рухсоринг гул киби очилмиш,  
Ашким ҳам жоладек сочилемиш.  
Мафъулун фоъилун фаулун

### Ҳазажи мусаддаси ахрами аштари солими аруз ва зарб

Келгилким, ҳажр аро ҳазиндуруман,  
Ишқингдин ғамга ҳамишиндуруман.  
Мафъулун фоъилун мафоъийлун

### (ҲАЗАЖИ МУРАББАЬ)

Ҳазажи мураббаъ араб шуароси даъвидур:

Санга ул турраи ҳинду,  
Манга солмиш қаро қайғу.  
Мафоъийлун мафоъийлун  
Мафоийлун мафоийлун.

Ахрам зиҳофотининг амсоли (ва) ахраб зиҳофотиъалг  
амсоли

Рубоий вазниким, ани «ду байтий» ва «тарона» ҳам дерлар, ҳазаж баҳрининг «аҳрам» ва «аҳраб»идин истихроҳ қилибдурлар ва ул вазнедур асрү хуш оянда ва назмедур баоят рабоянда. Шеър авзонидин ушбу вазндорукм, назм устодлари анга ҳадде муайян қилибдурлар ва ғоят латофатидин икки байтга ихтисор қилубдурлар ва ул йигирма тўрт навъ келибтур ва мажмуъи икки қисмга мухтасардур.

Бири улки, аввалки жузви «мафъулун» бўлғайки, ҳазаж бир жузвани «харм» қилибдурлар ва ани «аҳрам» дерлар. Ва бу ўн икки навъ келур.

Яна бири улки, аввалки жузви «мафъулу» бўлғайки, ҳазажнинг бир жузвин «харб» қилибдурлар ва ани «аҳраб» дерлар. Бу ҳам ўн икки навъ келур. Аммо —

### Ҳазажи ахрам

Е раб, не офатдур ул ҳусну жамол-  
Ким йўқтур ер ила жаҳон ичра мисол.  
Мафъулун мафъулун мафъулу фаул,  
Мафъулун мафъулу мафоъийлун

Минг қатла шукрин десам оз эрур,  
Гар бўлса бир замон манга коми висол.  
Мафъулун мафъулун мафъулу фаул,  
Мафъулун фоъилун мафоъийлун

\* \* \*

Эй сенсиз умрумдин осойиш йўқ,  
Кўз истарким, кўрса жамолинг тўқ.  
Мафъулун мафъулун мафъулун фоъ  
Мафъулун мафъулу мафоъийлун

Келгилки, бир қатла узорингни кўрай-  
Ким ҳажринг кўп урди бу кўксумга ўқ  
Мафъулун мафъулу мафоъийлун фаул  
Мафуълун фоъилун мафоъийлун

\* \* \*


Эй маҳваш, ўткай бу саркишлик ҳам,  
Раҳм айлаб бу қулға жафони қил кам

Мафъулун мафъулун мафъулун фәъ  
Мафъулун мафъулун мафоъийлун фәъ

То тенгри асрағай халойиққа сени,  
Айлармен юз дуо сенинг сори дам.  
Мафъулун фәъулун мафоъийлү фәул  
Мафъулун фоъилун мафоъийлүн фәъ

Ҳажаз баҳрида «ахрам» зиҳофотида ўтган уч рубоийки,  
ҳар мисраъ ўзга вазнда эрдиким, ўн икки вазн бўлур, бу  
шажарада жамъдур.

### АХРАМ ШАЖАРАСИ



Аммо —

Ҳазажи ахраб

Эй сандин ўлуб бағрим ҳам кўксум дөғ,  
Кўнглум ўту ул ўтқа тўкуб ашким ёғ,

Мафъулун мафоъийлүн мафъулун фоъ  
Мафъулун мафоъийлүн мафоъийлүн фоъ

Тан ўлса ғаминг ичра жонингға фидо,  
Жон куйса муҳаббатингда сен бўлғил соғ.  
Мафъулун мафоъийлүн мафъулун фаул  
Мафъулун мафоъийлүн мафоъийлүн фоъ

\* \* \*

Бир лаҳза кўнгул сенсиз ҳолин билмас,  
Жаврингни кўнгулга, эй париваш, қил ба.  
Мафъулун мафоъийлүн мафъулун фәъ  
Мафъулун мафоъилун мафоъийлүн фәъ

Ҳажрингда фигонимға улус нола қилур,  
Қил ҳолима раҳмим, эрурман бекас.  
Мафъулун мафоъийлүн мафоъийлү фәул  
Мафъулун мафоъийлүн мафоъийлү фәъ


\* \* \*

Эй шўх, бизнинг сори бир айла назар-  
Ким оҳу фигон ўти чекар кўкка шаар.  
Фаульун мафоъилун мафъулун фәул  
Мафъулун мафоъийлүн мафоъийлү фәул

Ё васл ила кўнглумга қарин айла мурод.  
Ё қатл ила қўйма бу ҳаётимға асар.  
Мафъулун мафоъилун мафоъийлү фәул  
Мафъулун мафоъийлүн мафоъийлү фәул

«Ҳазаж» баҳрида «ахраб» зиҳофотида ўтган яна уч р,  
боийким, ҳар мисраъ ўзга вазнда эрдики, бу ҳам ўн икки  
вазн бўлур, бу шажарада жамъдур.

## АХРАБ ШАЖАРАСИ



Бурунқи доиранинг иккинчи баҳри ражаз баҳридурур,  
бу дурур.

### (РАЖАЗ БАҲРИ)

*Ражази мусамман*

#### Ражази мусамманни солим

Вайронаедур масканим, андин манга бисёр ғам,  
Оҳим била әшикда ўт, ашким билан девор нам.  
Мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун

#### Ражази мусамманни матвийи маҳбун

Кел бері, эй рашки қамар, лаъли лабинг тунги шакар,  
Фурқатинг ўтида кўнгул чекти сипеҳр узра шарап.  
Муфтаилун муфтаилун муфтаилун муфтаилун

### Ражази мусамманни матвийи маҳбун

Гар аламимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай,  
Ваҳ, ғамима шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай.  
Муфтаилун муфоъилун муфтаилун мафоъилун

#### Ражази мусамманни маҳбуни матвий

Манга кўнгул ҳажринг аро зордур, эй рашки пари,  
Юзунгни кўргузили, айла ғуссадин жонин бари.  
Мафоъилун муфтаилун мафоъилун муфтаилун

#### Ражази мусамманни маҳбуни мақтуъ

Тенгри учун қайдада әдинг рост де, эй сарви сиҳи,  
Фурқатинг ўтидин манга риоят айла гаҳ-гаҳи.  
Мустафъилун мустафъилун мафоъилун, мафъулун

#### Ражази мусамманни маҳбуни мақтуъ

Сарв нечук дейин сеники, йўқ анга гулранг юз,  
Нахл нечук дейин сеники, йўқ анга ширин сўз.  
Муфтаилун мафоъилун муфтаилун мафъулун

### (РАЖАЗИ МУСАДДАС)

#### Ражази мусаддаси солим

Ҳажрингда, эй гулчехра, беҳад зорман,  
Қон ичра гарқа гул киби афгорман.  
Мустафъилун мустафъилун мустафъилун

#### Ражази мусаддаси мақтуъ

Эй ишқинг ичра одатим маҳзунлук,  
Ҳажрингда даъбу сийратим мажнунлук.  
Мустафъилун мустафъилун мафъулун

#### Ражази мусаддаси матвийи музол

Келки, фироқингда кўнгул бўлди ҳазин,  
Айлама мунча манга бедод ила кин.  
Муфтаилун муфтаилун муфтаилон

## **Ражази мусаддаси матвийи мақтуъ**

Кўргали ҳуснунгни сенга ҳайронмен,  
Водийи ҳасрат аро саргардонмен.  
Муфтаилун муфтаилун мафъулун

### **Ражази мусаддаси маҳбун**

Юзунг қамар, қадинг шажар, лабинг шакар,  
Манга булар хаёлидин не хобу хўр.  
Мафоъилун мафоъилун мафоъилун

### **Ражази мусаддаси матвийи маҳбун**

Ваҳки, яна фурқатинг ичра тушмишам,  
Ўлгали бу фурқат аро ёвшимишам.  
Муфтаилун муфтаилун муфтаилун

### **[РАЖАЗИ МУРАББАЪ]**

#### **Ражази мураббани солим**

Сенсиз ишим фарёд эрур,  
Ўз жонима бедод эрур.  
Мустафъилун мустафъилун  
Мустафъилун мустафъилун  
Учинчи баҳри рамал баҳридир.

#### **(РАМАЛ БАҲРИ)**

##### *(Рамали мусамман)*

#### **Рамали мусаммани солим**

Келки, ишқингдин қўнгулда йўқтуурур сабру қарорим  
Бошима еткур қадамким, ҳаддин ошти интизорим.  
Фоилотун фоилотун фоилотун

#### **Рамали мусаммани мақсур (аруз ва зарб)**

Ваҳ, не ҳолатдурки, мен ҳар неча қўргузсам ниёз,  
Эй маҳи бадмехр, сандин зоҳир ўлмас ғайри ноз.  
Фоилотун фоилотун фоилотун

## **Рамали мусаммани маҳзуф**

Косидеким, еткуурур кўнгулумга жонондин хабар,  
Үйладурким, бергай ўлган жисмга жондин хабар.  
Фоилотун фоилотун фоилотун

### **Рамали мусаммани маҳбун**

Субҳи давлат юзунг, эй, тавсани гардун санга ашҳаб,  
Тожинг устидаги дур ўйлаки, тонг бошида кавкаб.  
Фаилотун, фаилотун фаилотун фаилотун

### **Рамали мусаммани маҳбуни мақсур**

Ваҳки, ул муғбача ҳардамки ичар бодаи ноб,  
Қўзғалур арбадасидин бу кўҳан дайри хароб.  
Фаилотун фаилотун фаилотун фаилотун

### **Рамали мусаммани маҳбуни мақтуъ**

Оlam ичра манга ул ҳури малак сиймо бас,  
Бу қачон бўлса мұяссар, қадаҳи саҳбо бас.  
Фоилотун фаилотун фаилотун фаълун

### **Рамали мусаммани машкул**

Тилагим сенинг ҳузуринг, талабим сенинг жамолинг,  
Неча кун тириклигимдин ғаразим сенинг висолинг.  
Фаилоту фаилотун фаилоту фаилотун

### **(РАМАЛИ МУСАДДАС)**

#### **Рамали мусаддаси солим**

Эй жамолингдин хижил хуршиди анвар,  
Қоматингдин мунфаил сарву санавбар.  
Фоилотун фоилотун фоилотун

#### **Рамали мусаддаси мақсур**

Гулшанингдин елдек, эй раъно ниҳол,  
Мен ёмон бордим, vale сен яхши қол.  
Фоилотун фоилотун фоилъон

### **Рамали мусаддаси маҳбуни мақсур**

Яна муг дайрина кирдим сармаст,  
Май тут, эй муғбачаи бодапараст.  
Фоилотун фоилотун фоилъон

### **Рамали мусаддаси маҳбуни маҳзуф**

Келки, ҳажрингда ҳазинмен беҳад,  
Не манга сабр, не ҳушу не хирад.  
Фоилотун фоилотун фоилун

## **(РАМАЛИ МУРАББАЪ)**

### **Рамали мураббаи солим**

Келгил, эй рухсори зебо-  
Ким бўлурмэн ношикебо.  
Фоилотун фоилотун  
Фоилотун фоилотун

### **Рамали мураббани маҳбун**

Манга ҳажрингдин алам кўп,  
Санамо, қилма ситам кўп.  
Файлутун файлутун  
Файлутун файлутун

Мунсариҳнинг мусаммани солими дурки, доираға дохил  
эмас ва Ҳарвеш Мансурнинг «Аруз»ида мусбатдур.

## **(МУНСАРИҲ БАҲРИ)**

### **Мунсариҳи мусаммани солим**

Эй оразинг кўнглум коми, лаъли лабинг жон ороми,  
Васлинг қунин етгургилки, жоним олур ҳажринг шоми.  
Мустаъилун муфъулоту мустаъилун мафъулот

Иккинчи доираким, муайян тўрт баҳрға эрдиким, гай-  
ри солим эрдиларким, мунсариҳ ва музориъ ва муқтазаб  
ва мужтассдур, мунсариҳи мусаммани матвийи мавқуфдин  
бунёд қилиур.

### **Мунсариҳи мусаммани матвийи мавқуф**

Оҳки, сенсиз ишим оҳ ила фарёд әрур,  
Жонима ошубу шайн, жиссимиа бедод әрур.  
Муфтаилун фоилон муфтаилун фоилон

### **Мунсариҳи мусаммани матвийи макшуф**

Ваҳки, яна ўт солур жонима бир ҳурваш,  
Наълбару доғсўз, риндавашу журъакаш.  
Муфтаилун фоилун муфтаилун фоилун

### **Мунсариҳи мусаммани матвийи макшуфи мақтуъ**

Ишқ яна ҳажр ила жонима қилди ситам,  
Шурқату ҳижрон ўти бошима чекти алам.  
Муфтаилун фоилун муфтаилун фоилун

### **Мунсариҳи (мусаммани) маҳбуни мақшуф**

Гаҳи манга ул санам қилур вафо ваъдаси,  
Вафосидин зулму кин вале фузуандур басе.  
Мафоилун фоилун мафоилун фоилун

### **Мунсариҳи (мусаммани) матвийи мақдуъ**

Чарх яна зулму жавр айлади бунёд.  
Қилди фалак ҳодисоти жонима бедод.  
Муфтаилун фоилоту муфтаилун фоъ

### **Мунсариҳи (мусаммани) матвийи манҳур**

Шукрки, дилрабо ёниб, яна манго келди,  
Масканӣ айшимда васл шамъи ёқилди.  
Муфтаилун фоилоту муфтаилун фаъ

### **Мунсариҳи (мусаммани) матвийи мақтуни манҳур**

Кўнглум истар сайд майли гулшан сори,  
Май нега ичмай бирорки бўлғай ёри.  
Муфтаилун фоилоту мафъулун фаъ

## (МУНСАРИХИ МУСАДДАС)

(Мунсариҳи) мусаддаси матвий

Ишқи мани зор қилди олам аро,  
Айлади овора хайли одам аро.  
Муфтаилун фоилоту муфтаилун

(Мунсариҳи) мусаддаси матвийи мақтұу

Күйиди ғаминг дарду дөг күнглумга,  
Күймади ишқинг фароф күнглумга.  
Муфтаилун фоилоту мафъулун

## (МУНСАРИХИ МУРАББАЬ)

Мунсариҳи мураббайи матвии мазқуф

Кел бери, әй гулъузор, айла вафо ошкор,  
Муфтаилун фоилон мутаилун фоилон  
Мунсариҳи мураббайи матвийи махбуни мавқуф

Келки, санга фидо жон,  
Ваҳки, фидо санго жон.  
Муфтаилун фаулон  
Муфтаилун фаулон

Доиранинг иккинчи баҳри музориъдуру.

## (МУЗОРИЙ БАҲРИ)

(Музориъи мусамман)

(Музориъи мусамман) макфуфи мақсур

Манга, әй суманбарим, жафо қилма беҳисоб,  
Юзунга замон чекиб ёпмагил ниқоб.  
Мафоййлу фоилоту мафоййлу фоилун

(Музориъи мусамман) макфуфи маҳзуф

Юзунгдин хижил қамар, лабингдин дөги шакар,  
Манга ҳар биридин ўт, санга қилмай ул асар.  
Мафоййлу фоилун мафоййлу фоилун

## (Музориъи мусамман) ахраб

Ишқу жунун әрүрлар беихтиёр манда,  
Мендермуну бу икки, ўзга не бор манда.  
Мафъулу фоилотун мафъулу фоилотун

(Музориъи мусамман) ахраби мусаббағ

Мен ишқ әли гадоси, сен ҳусн әлига султон,  
Бўлмас гадоға ҳарғиз султон висоли имкон.  
Мафъулу фоилотун мафъулу фоилотун

(Музориъи мусамман) ахраби макфуфи маҳзуф

Ҳайҳотким, бирор ғамидин зормен яна,  
Фарёдким, балоға гирифтормен яна.  
Мафъулу фоилоту мафоъийлу фоилун

(Музориъи мусамман) ахраби макфуфи мақсур

Ул шўҳдин манга гаҳ әрур нозу, гаҳ итоб,  
Йўқ анда ихтиёр, дөғи менда ижтиноб.  
Мафъулу фоилоту мафоъийлу фоилон

(Музориъи мусамман) ахраби макфуфи солим аруз ва зарб

Сендин манга таҳаммул әмас бир замон йироглик,  
Жон риштаси әрур чу сенинг сунбулингга боғлиқ.  
Мафъулу фоилоту мафоъийлу фоилотун

(Музориъи мусамман) ахраби маҳзуф

Ишқинг ажаб балодур, әй нозанин санам,  
Жон анда мубталодур, кўрмас ба жуз ситам.  
Мафъулу фоилотун мафъулу фоилун

(Музориъи мусаддас)

(Музориъи) мусаддаси макфуфи мақсур

Сенингдек жаҳонда кимса не имкон,  
Буён кел, қилай қошингда фидо жон.  
Мафоъийлу фоилоту мафоъийл

**(Музориъ) мусаддаси макфуфи маҳзуф**

Кўнгул бўлгай хаёлингга мойил,  
Кўзум ҳам ўлди ҳуснингга зойил,  
Мафоийлу фоилоту мафъулун

**(Музориъ) мусаддаси ахраби макфуф**

Ишқингда оҳу нола қилур кўнглум-  
Ким, қон ёшини жола қилур кўнглум.  
Мафъулу фоилоту мафоийлун

**(Музориъ) мусаддаси ахраби макфуфи маҳзуф**

Эй хотирим ҳавоси қошингфа,  
Эврулгали ҳамиша бошингфа.  
Мафъулу фоилоту фаулун  
  
Доиранинг учунчиси муқтазаб баҳри әрди.

**(МУҚТАЗАБ БАҲРИ)**

*(Муқтазаби мусамман)*

**Муқтазаби мусаммани матвий**

Эй нигори моҳвашим, эй ҳарифи журъакашим,  
Тут қадаҳки, беҳад әрур ишқ тобидин оташим.  
Фоилоту муфтаилун фоилоту муфтаилун

**Муқтазаби мусаммани матвийи мақтуъ**

Эй йигит, бүён келки, шавқдин харобингмен,  
Бўйни боғлиғ ит ёнглиғ бастаи танобингмен.  
Фоилоту мафъулун фоилоту мафъулун

**(МУҚТАЗАБИ МУРАББАЬ)**

**Муқтазаби мураббаи матвий**

Фурқатинг ёшим оқизур,  
Ҳасратинг қоним томизур.  
Фоилоту муфталиун

**(Муқтазаби) мураббаи мақтуъ**

Бода келтур, эй соқий,  
Қилма айшни боқий.  
Фоилоту мафъулун  
Фоилоту мафъулун

**Муқтазаби мураббаи маҳбуни матвий**

Жамолингда қолди кўзум,  
Гамингда узолди сўзум.  
Мафоийлу муфтаилун  
Мафоийлу муфтаилун

**(Муқтазаби) мураббаи матвий**

Ҳасратингда афсурдамен,  
Фурқатингда озурдамен.  
Фоилоту мустафъилун  
Фоилоту мустафъилун

Доиранинг тўртинчи баҳри мужтасс бахри әрди.

**(МУЖТАСС БАҲРИ)**

*(Мужтасси мусамман)*

**Мужтасси мусаммани маҳбун**

Етишса ишқ аро юз меҳнату бало, қадаҳ ичгил,  
Нафас-нафас қуюбон май, тўло-тўло қадаҳ ичгил.  
Мафоилун фоилотун мафоилун фоилотун

**Мужтасси (мусаммани) маҳбуни мақсур**

Кўнгул ҳароратин англатти оҳи дард олуд,  
Үй ичра ўт эканин әлга зоҳир айлар дуд.  
Мафоилун фоилотун мафоилун фоилон

**Мужтасси (мусаммани) маҳбуни маҳзуф**

Фироқ иситмаси андоқ танимдин ўт чиқорур —  
Ки, гар табиб илигим тутса, бормоги қоборур.  
Мафоилун фаилотун мафоилун фаилун

**Мужтасси (мусаммани) маҳбуни мақтуъ**

Бизнинг сори ул шўхи ишвагар келмас,  
Билурки фурқатидин ўлмишам, магар келмас.  
Мафоилун фаилотун мафоилун фаълун

### **Мұжтасси (мусаммани) махбуни мусаббас**

Ул ой менинг била бемекұр әканин англабмен,  
Мани ўзига вафосиз деганин англабмен.  
Мафоилун файлутун мафоилун файлон

### **Мұжтасси (мусаммани) махбуни маҳзуғи мусаббаъ**

Бизнинг сори келмассен, не бўлди, эй бадмехр,  
Вафо йўлин билмассен ёниб ниқоб ила чеҳр.  
Мафоилун мағбӯулун мафоилун файлон

### **Мұжтасси (мусаммани) мушаъаси мажхұф**

Агар очилса ул юз ниқобдин, ваҳ,  
Қачон ўзида қолғай гадо билан шаҳ.  
Мафоилун мағбӯулун мафоилун фаяъ

### **(МҰЖТАССИ МУРАББАЪ)**

#### **Мұжтасси мураббаи махбун**

Юзунг кўзумга керактур,  
Ўзунг ўзумга керактур.  
Мафоилун файлотун  
Мафоилун файлотун

#### **Мұжтасси мураббаи махбуни мақсур**

Ғаминг мани қилди зор,  
Юзунг манга бўлди ёр.  
Мафоилун фоилон  
Мафоилун фоилон

Учинчи доиран беш баҳрдур: сариъ ва жадид ва қарийб  
ва ҳафиғ ва мушокил, аммо ҳеч қайси солим әмастурлар.

### **САРИЙ БАҲРИ**

#### **Сариъи (мусаддаси) матвийи мавқуф**

Йўқ манга ҳажрингда жуз оҳу фигон,  
Ишқу муҳаббат ўтидин алъамон.  
Муфтаилун муфтаилун фоилон

#### **Сариъи (мусаддаси) матвийи макшуф**

Бизга қизил гул юзунг афкандаси,  
Савсани озод қадинг бандаси.  
Муфталиун муфтаилун фоилон

### **Сариъи (мусаддаси) матвийи аслам**

Истамасанг әсламасанг бизни,  
Мен ўпарам йўлунг уза изни.  
Муфтаилун муфтаилун фаълун

### **Сариъи (мусаддаси) махбуни матвийи макшуф**

Қаро кўзум, бирор биза боқ ахи,  
Жароҳатимға марҳаме ёқ ахи.  
Мафоилун мафоилун фоилун

### **Сариъи (мусаддаси) матвийи махбуни макшуф**

Сендин яна ўт ичрадур юраким,  
Ўтумға сув ур васл ила, мираким.  
Мустафъилюн мустафъилюн фоилун

Учинчи доиранинг иккинчи баҳри жадидур ва ул мус-  
таҳдас баҳрдурким, они гарип ҳам дебдурлар.

### **(ЖАДИД БАҲРИ)**

#### **Жадиди (мусаддаси) махбун**

Ики рухсоринг эрур гул чаман аро,  
Арақинг юз уза шабнам суман аро.  
Файлутун файлотун мафоилун

Учинчи доиранинг учунчи баҳри қарийбдур ва бу ҳам  
мустаҳдас баҳрдур ва бу баҳр ажам шуароси шеърида оз  
воқеъдур.

### **(ҚАРИЙБ БАҲРИ)**

#### **Қарийби (мусаддаси) макфуф**

Жамолингда тахайюрга қолди кўз,  
Бу маънида улус ичра тушти сўз.  
Мафойилу мафойилу фоилон

### Қарийби (мусаддаси) ахраби макфуф

Ишқингда кўнгул ичра нолалардур,  
Юз узра ёшим қони лолалардур.  
Мафъулун мафоййлу фоилотун

### (Қарийби мусаддаси) ахраби маҳзуф

Кел бизга вафо бирла, эй пари,  
Бу телбани фурқатдин қил бари.  
Мафъулун мафоййлу фоилун

Учунчи доиранинг тўртунчи баҳри хафиждур ва бу баҳрнинг матбуъ авзонида ажам шуароси маснавийлар билдибурлар.

### (ХАФИФ БАҲРИ)

#### Хафифи (мусаддаси) махбун

Фурқатин неш сочти юрокимга,  
Ашк қонин оқизди бу әтокимга.  
Фоилотун мафоййлу фоилотун

#### Хафифи (мусаддаси) махбуни солими садр

Эй юзунгдин бўлуб кўзум равшан,  
Дурру лаъл айлабон ани маҳзан.  
Фоилотун мафоййлу фоилотун

#### Хафифи махбуни мақтуи мусаббаъ

Сани улдамки кўрдум, эй гулчеҳр,  
Тушти кўнглумга оразингдин меҳр.  
Фоилотун мафоййлу фоилотун

#### Хафифи махбуни мақтуъ

Калимоти ғарид дер носих,  
Хирад аҳлига хашвдур возих.  
Фоилотун мафоййлу фоилотун

### Хафифи махбуни мушаъас

Келди дилдору мен қадаҳ ичгумдур,  
Эзҳду номусу нангдин кечгумдур.  
Фоилотун мафоййлу фоилотун

Учунчи доиранинг бешинчи баҳри мушокилдур ва бу ҳам мустаҳдас баҳрдур. Паҳлавий шеърни кўпрак бу баҳрда айтибдурлар.

### (МУШОКИЛ БАҲРИ)

#### Мушокили мусаддаси макфуфи мақсур

Ишқинг ичра манга асрү ситамдур,  
Кўнглум ўтига чарх узра аламдур.  
Фоилоту мафоййлу мафоййл

#### Мушокили мусаммани макфуфи мақсур

Қайда борди нигоримким, гум ўлди қарорим,  
Ўлди жисми зэифим, куйди жони низорим.  
Фоилоту мафоййлу мафоййл

### (МУШОКИЛИ МУРАББАЪ)

#### (Мушокили) мураббаи макфуни мақсур

Эй нигори парийрўй,  
Гулъузори суманбўй,  
Фоилоту мафоййл  
Фоилоту мафоййл

#### (Мушокили) мураббани макфуни маҳзуф

Қайда әрди ҳабибим,  
Ғусса бўлди насибим.  
Фоилоту фаулун  
Фоилоту фаулун

Тўртунчи доира икки баҳрдур, мутақориб ва мутадорик ва ажам тили била асли маснавий мутақориб баҳридур.

## (МУТАҚОРИБ БАҲРИ)

(Мутақориби мусамман)

### Мутақориби мусаммани солим

Яна сансизин мунисим ғам бўлубтур,  
Кўзумга юрак қони ҳамдам бўлубтур.  
Фаулун фаулун фаулун фаулун

### (Мутақориби) мусаммани мақсур

Манга кўйи сайрига йўқ эҳтимол,  
Эса олмас ул ён насими шамол.  
Фаулун фаулун фаулун фаул

### (Мутақориби) мусаммани маҳзуф

Очилиди чаман, гулъузорим қани,  
Сиҳи сарв бўйлиғ нигорим қани?  
Фаулун фаулун фаулун фаул

### (Мутақориби) мусаммани аслам

Эй шўхи зебо, эй сарви раъно,  
Бўлдум ғамингдин мажнуну шайдо.  
Фаъулун фаулун фаъулун фаулун

### Мутақориби мусаммани асрар

Келки ғамингдин жонға етибмен,  
Ҳажрда ўлмак чора этибмен.  
Фаъулун фаулун фаъулун фаулун

### Мутақориби мусаммани асрари мақсур

Келки ғамингға бўлдум асир,  
Зарраману сен меҳри мунир.  
Фаъулун фаулун фаъулун фаулун

### Мутақориби мусаммани мақбузи аслам

Агар сўрарсен ва гар тиларсен,  
Ўзунг биларсен, неким қиласен.  
Фаулун фаъулун фаулун фаъулун

Ажам шуаросининг мутаахирларидин баъзи мақбузи аслам биносин ўн олти руқнга қўюб назм айтибдурлар, бу навъким, байт:

Юзунг хаёлида зор бўлдум,  
Белинг ғамидин низор бўлдум.  
Дедим бу шиддатда нола чекмай,  
Нетайки, беихтиёр бўлдум.  
Фаулун фаъулун фаулун  
Фаулун фаъулун фаулун

### Мутақориби мусаммани маҳзуф

Манга, эй санам, жафо айладинг,  
Ўзунгдин мани жудо айладинг.  
Фаулун фаулун фаулун

## (МУТАҚОРИБИ МУСАДДАС)

### Мутақориби мусаддаси солим

Яна ҳажро аро зор бўлдум,  
Фироқингдин афгор бўлдим.  
Фаулун фаулун фаулун

### Мутақориби мусаддаси маҳзуф

Қадинг сарви ноз, эй йигит,  
Сўзунг дилнавоз, эй йигит.  
Фаулун фаулун фаул

Тўртунчи доиранинг иккинчи баҳриким, мутадорик баҳридур, ва ани «ракзул-хайл» ва «савтин-ноқус» ҳам дерлар, бу навъдур.

## (МУТАДОРИК БАҲРИ)

### Мутадорики мусаммани солим

Не монгишдурки, танлар ҳабоси анинг,  
Не боқишдурки, жонлар фидоси анинг.  
Фоилун фоилун фоилун фоилун

### **Мутадорики мусаммани маҳбун**

Не саманд экон улки, бүён сурасен,  
Бошим узра жафо қиличи урасен.  
Фоилун файлун файлун

### **Мутадорики мусаммани мақтуъ**

Бўлманг бизга ҳаргиз мойил,  
Не ҳолинг бордур, эй қотил.  
Фаълун фаълун фаълун

### **Мутадорики мусаммани маҳбуни мақтуъ**

Ишқдин ишим мушкил айладинг,  
Ҳажрони манга қотил айладинг.  
Фоилун фаул фоилун фаул

### **(МУТАДОРИКИ МУСАДДАС)**

#### **Мутадорики мусаддаси солим**

Фурқатингда мани сўрмадинг,  
Раҳм кўзи билан кўрмадинг.  
Фоилун фоилун фоилун

#### **Мутадорики мусаддаси маҳбун**

Мани истамасанг нетайин,  
Бош олиб қаёне кетайин.  
Файлун файлун файлун

#### **Мутадорики мусаддаси мақтуъ**

Элдин ул юзни ёп,  
Кўнглумнинг комин топ.  
Фаълун фаълун фаълун

Бешинчи доираким, андин тўққуз буҳур усули мустахраж бўлурким, алар мунсариҳ, хафиғ, музориъ, муқтазаб, мұжтасс, мушокил, сариъ, жадид, қарийбдурлар ва «доираи мұжтамиа»ға мавсум бўлубдур. Аввалги баҳр чун «мунсариҳ» эрди, андин бунёд қиулурлар, андоқким:

### **Мунсариҳи мусаддаси солим**

Эй Фурқатинг маҳзунларга жон олғучи,  
Ушшоқни кўрган чоғда ўт солгучи.  
Мустафъилун мафъулоту мустафъилун

#### **Хафиғи мусаддаси солим**

Ўлгум эрди бир лаҳза гар келмасанг, бил.  
Қайда эрдинг, эй маҳвашим, шарҳ қилғил,  
Фоилотун мустафъилун фоилотун

#### **Музориъи мусаддаси солим**

Энгинг ойдур, оразинг гул, сочинг сунбул,  
Булар шавқидин ичармен туну кун мул,  
Мафойилун фоилотун мафойилун

#### **Муқтазаби (мусаддаси) солим**

Келмас бизга ул кофири қотил даме,  
Ваҳки, бизни ўлтургуси онинг ғами.  
Мафъулоту мустафъилун мустафъилун

#### **Мұжтасси (мусаддаси) солим**

Эй оразинг гулдин ортуқ гулшан ичра,  
Сендин йироқ хотиримдур шеван ичра.  
Мустафъилун фоилотун фоилотун

#### **Мушокили (мусаддаси) солим**

Неча сенсиз фироқингда фифон айлай,  
Нола бирла улус бағрини қон айлай.  
Фоилотун мафойилун мафойилун

#### **Сариъи (мусаддаси) солим**

Сендин йироқ қўзниңг әрур ҳайронлиғи,  
Ҳажринг аро ҳар лаҳза саргардонлиғи.  
Мустафъилун мустафъилун мафъулоту

#### **Жадиди (мусаддаси) солим**

Не балолиг ҳажр әрурким зор ўлмишам,  
Келки, ул кўз ҳажрида бемор ўлмишам.  
Фоилоту фоилоту мустафъилун

## Қарийби (мусаддаси) солим

Жамолингдин қуёш асру бор уётлиғ,  
Сочингға банда боғ ичра сунбул отлиғ.  
Мафойлун мафойлун фоилотун

Олтинчи доиреки, андин икки баҳр мустахраж бўлур,  
бу ҳам ажам шуароси арузларида кўрулмайдурким, алар-  
дин бири комил баҳридурур ва бири воғир баҳриким,  
мусаммани солимда оз шеър воқиъ бўлубтур.

## Комили мусаммани солим

Не хаёл әди янаким, қўнгул қуши сайдини ҳавас айладинг,  
Баданимга ҳар соридин хаданг урубон анга қафас айладинг.  
Мутафоилун мутафоилун мутафоилун

## Воғири мусаммани солим

Фироқ ўтидин қуяр баданим, тафидин эриб оқар жигарим,  
Ғамим будурурки, боғланибон юзунг сори тушмагай назарим  
Мафойлун мафойлатун мафойлатун

Еттинчи доиреким, андин уч баҳр мустахраж бўлур ва  
ул араб шуароси назмининг махсусидур ва алар тавил ва  
мадид ва басит баҳрларидурлар.

## Тавили мусаммани солим

Фироқингда жон бердим, бошимға қадам еткур,  
Агар худ тирик эрмас, чу ёлғон дедим ўлтур.  
Фоилун мафойлун фаулун мафойлун

## Мадиди мусаммани солим

Эй қадингдин сарвға минг хижолат ҳар нафас,  
Сарв қадингдин менинг қўнглума юз минг ҳавас.  
Фоилотун фоилун фоилотун фоилун

## Басити мусаммани солим

Эй сунбулунг ҳалқаси бўйнумға тоқиб расан,  
Ҳар тобида юз бало, ҳар торида минг шикан.  
Мустафъилун фоилун мустафъилун фоилун

\* \* \*

Чун доираға кирган буҳурдин фориғ бўлуди, яна бир неча вазни, баъзини ажам шуароси мутааххирлари айтиб-  
дурлар ва баъзи бу замонда назм топибдур ва ҳеч арузга  
доҳили бўлмайдур, агарчи филҳақиқат аруз буҳуриға до-  
хилдурлар, ишорате алар сори қилмоқ ҳоли оз муносабате  
эрмас әрди. Ул жумладин, рамали маҳбундурки, ҳар мис-  
раи саккиз руқндорки, байти ўн олти бўлғай, Ҳожа Ислам  
Бухорийда пурбаҳо дебтурлар, бу услуг биладур.

Қомату зулфу қўёзу қошу узору хат ила холи  
Лабингдурки, аларча әмас, эй шўхи ситамгар.  
Файлутун файлотун файлотун файлотун  
Файлутун файлотун файлотун файлотун

Сарв ила сунбул нарғис янги ойу қуёшу сабзаи  
Жаннат кураи нофау гулбарг аро шаккар.  
Файлутун файлотун файлотун файлотун  
Файлутун файлотун файлотун файлотун

Яна турк улуси, батахсис чигатой ҳалқи аро шойиъ ав-  
зондурким, алар сурудларин ул вазн била ясад, мажолис-  
да айтурлар.

Бириси «туюғ»дурким, икки байтқа муқаррардур ва  
саъий қиулурларким, тажнис айтилғай ва ул вазн рамали  
мусаддаси мақсурдур, мундоқким:

## (ТУЮҒ)

Ё раб, ул шаҳду шакар ёлабмудур?  
Ё магар шаҳду шакар ёлабмудур?  
Фоилотун фоилотун фоilon

Жонима пайваста новак отқоли  
Ғамза ўқин қошиға ёлабмудур?\*

Фоилотун фоилотун фоilon

Яна «қўшуқ»дурким, орғуштак усулида шойиъдур ва  
баъзи адвор кутубида ул усул зикр бўлубтур ва ул суруд  
аъробнинг тева сурар ҳудилари вазни била мадиди мусам-  
мани солимда воқеъ бўлур, аниг асли бу навъдурким,  
байт:

\* «Хазойинул-маоний»да «ёлабдурур» шаклида келади. (Р. Ко-  
милов).

Ваҳки, ул ой ҳасрати, дарду доги фурқати,  
Ҳам әрур жонимға ўт, ҳам ҳаётим офати.  
Фоилотун фоилотун фоилун

Аммо бу латиф замонда ва шариф давронда бу сурудни рамали мусаммани маҳзуф вазнига әлитиб, мусиқий ва адвор илмидә мулойим табълиқ беназир йигитлар ғарип нағамот ва алҳон била ажаб тасаруфлар қилиб, сultonи соҳибқирон мажлисида айтурларким, анинг мулоҳимлиғ ва хуш ояндалиғи васфқа сифмас ва таъсир ва рабояндалиғи сифатқа рост келмас, балки ул ҳазратнинг ихтириодур ва бу ҳам ул ҳазратнинг Масиҳосо анфоси настайижидин истишҳодға келтурмак муносиброқ әрди, андоқким, байт:

Сабзаи хаттинг саводи лаъли хандон устина,  
Хизр гүё соя солмиш обиҳайвон устина.  
Фоилотун фоилотун фоилун

Яна «чинга»дурким, турк улуси зуфоф ва қиз кўчурур тўйларида ани айтурлар, ул сурудедур бағоят муассир ва икки навъдур. Бир навъи ҳеч вазн била рост келмас ва бир навъида бир байт айтилурким, мунсариҳи матвийи мавқуф баҳридур ва ёр-ёр лафзини радиф ўрнига мазкур қилурлар, андоқким, (байт):

Қайси чамандин әсиб келди сабо, ёр-ёр,  
Ким дамидин тушти ўт жоним аро, ёр-ёр?  
Муфтаилун муфтаилун фоilon

Ва яна ҳам турк улусида бир суруддурким, ани «Мұхаббатнома» дерлар ва ул ҳазажи мусаддаси мақсур баҳридадур ва ҳоло матрукдур, будур, (байт):

Мени оғзинг учун шайдо қилибсен,  
Манга йўқ қайғуни пайдо қилибсен.  
Мафойилун мафойилун

Ва яна бу халқ орасида бир суруд бор экандурким, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнида анга байт бошлаб битиб, анинг мисраидин сўнгра ҳамул баҳрнинг икки руқни била адо қилиб, суруд нағамотига рост келтурурлар әрмиш ва ани «мустазод» дерлар әрмиш, андоқким, (мустазод):

Эй ҳуснунга зарроти жаҳон ичра тажалли  
Мафъулу мафойилу мафойилу мафулун.  
Мазҳар санга ашё.  
Мафъулу фаулун  
Сен лутф била кавну макон ичра мувалли  
Оlam санга мавло.

Яна Ироқ аҳли тарокимасида сурудедур шойиъким, ани «арузворий» дерлар ва анинг байти кўпрак ҳазажи мусаммани солимдадур, андоқким, (байт):

Сақоҳум раббуҳум ҳамри дудофинг кавсариндантур.  
Бу майни ичтиқунг нуқли ҳадисинг шаккариндантур.  
Мафойилун мафойилун мафойилун

Ва яна рамали мусаммани маҳзуф вазнида ҳам айтурлар, андоқким, байт:

Давлати васл илтимоси не ҳикоятдур манго,  
Буки ёдинг бирла жон берсан қифоятдур манго.  
Фоилотун фоилотун фоилун

Чун ўзонларнинг ўзмоғи ва ўзбакларнинг буди-будойи ҳеч вазн била рост әмас әрди, анга тааруз қилилмади, агарчи асарлари бордур, аммо анинг аruz илмиға даҳли йўқтур.

Яна сурудедурким, ани «туркий» дебдурлар, бу лафз анга алам бўлубтур ва ул ғоятдин ташқори дилписанд ва руҳафзо ва ниҳоятдин мутажойиз айш аҳлиға судманд ва мажолоси оро суруддур, андоқки, салотин ани яхши айтур әлни тарбиятлар қилибдурлар, туркигўйлик лақаби била машҳурдур ва ул доги рамали мусаммани мақсур вазнида воқеъдур, андоқ ким, байт:

Эй саодат матлағи ул орази моҳинг сенинг,  
Аҳли бийниш қиблагоҳи хоки даргоҳинг сенинг.  
Фоилотун фоилотун фоилон

Ҳазрати султон соҳибқирон бу вазнинг гоят ра-  
вонлиғ ва латофатидин ва руҳпарварлиғ ва салосатидин ўз-  
девонларинки, жамиъ давовин орасида баданлар аро жон-  
декдур ва кавоқиб ичра хуршиди раҳшондек воқеъ бўлуб-  
тур, бошдин-оёқ илтизом қилиб, бу вазнда тартиб бериб-  
дурлар әрди.

Гараз бу мақолотдин ва мақсуд бу муқаддимотдин бу әрдиким, чун турк алфози билаким назм воқаъ бўлубтур, анга зобитае ва қонуне йўқ әркондур ва ул фан ривожи учун киши аруз фаннида китобе ё рисолае битмайдур. Бу хужаста замондаким, замон подшоҳи девон тартиб бердилар муборак хотираларин шеър вазнига ва байт тақтиъига машғул қилдилар, бу жиҳатдин шеърнинг пояси етти кўкдин ўтти ва бу байтнинг мартабаси байтул-ҳаромга етти; ҳар ойинаким, мулоҳим табълиғ озодалар, балки қобил фаҳм ва зеҳнлик шаҳзодалар бу шариф илмга иштиғол кўргузадур әрдилар ва буҳур авзони ва тақтиъи ва зиҳофоти ва давойири илмидинки, араб фусаҳоси ва ажам булағо ва шуароси ул илмда китоблар тасниф қилибдурларки, онсиз бу фанга вуқуфе ва шууре бўла олмас, бу алфоз назмида йўқ әрди ва сultonус-салотининг муборак хотирлари мунга мултафит бўлуб, андоқки, китобнинг ибтидое воқеъ бўлмиш бўлса, әътиroz била ўтмагайлар ва исбаб бўлди, ва бу сабабдин бу илм зобитасига қалам сурулди.

Илтимос бу фан аҳлидин улким, ҳар ерда саҳв ва хатое воқеъ бўлмиш бўлса, әътиroz била ўтмагайлар ва ислоҳ қалами била тузатгайлар.

## Рубоий:

То ҷарх давойиридин ўлғай айём,  
То шеър ҳаёлотига йўқтур анжом,  
То байт тарокибида бўлғай ибҳом,  
Топсун назминг била жаҳон аҳли низом.



### «МУҲОКАМАТУЛ-ЛУФАТАЙН»

- 1) *Такаллум аҳли* — сўз әгаси, сўзловчи; шоирлар, адилар.
- 2) *Муфарроҳ* — хурсанд қилювчи; марваридни сенчиб қўшилган күшмазса, күшбўйдори.

Бу шеърнинг мазмуни: «Инжуни дори учун олганда, майдалаб

бир мисқолини бир тангага сотилади. Подшо қулоққа соладиган бўлса, бутун ҳолда олинади, демак, қиймати мулкligига, әътибори моллигига қараб бўлади...»

3) *Бу шеърнинг мазмуни: «Сўз шундай гавҳардирки, мартабасини аниқлашдан нутқ әгалари ожиздир: мартабаси — ёмон сўзининг ҳалоқ қилювчанигидан тортиб, яхши сўз билан Исонинг мўъжиза кўрсатишига (одам тиритиришига) қадар боради».*

4) *Туор, баҳоим ва сибов* — қушлар, ҳайвонлар ва йиртқичлар.

5) *Мутанаввиг шаҳр вақуру вожибол ва саҳро ва беша* — турли хил шаҳар, қишлоқлар, тоғлар, саҳро ва жанглар.

6) *Аҳодис* — ҳадислар, сўзлар (пайғамбар сўзи).

7) *Қойил* — сўзловчи.

8) *Фуруъ* — шахобча, тармоқ.

9) *Маниш* — келиб чиққан.

10) *Нубувват*, рисолат — пайғамбарлик, әлчилик.

11) *Сорт* — Навоий бу сўз билан форсий тилида сўзлашувчиларни кўзда тутади.

12) *Ихтилот алас-савия* — арапашув тенг, баб-баравар.

13) *Биажмаҳим, муҳиқ* — ҳаммалари, ҳақли.

14) *Возеъ, вазъ* — ясовчи, ясаш (сўзни).

15) *Мўълим* — алам берувчи, оғритувчи.

16) *Тажнис ва ийҳом* — иккни ва ундан кўп маъноли сўз. Шеър мисраъларида шу хилдаги сўзни келтириб, турли маъноларни ифода қилиш санъати, туюг.

17) *Алам* — от, исм.

18) *Шаъи мухриқ* — куйдирувчи нарса.

19) *Мурур* — ўтиш, юриш, кетиш.

20) *Муқаммирга бурд жиҳатидин амр* — қимор ўйновчига (қиморда) ютмоқ учун буйруқ.

21) *Мағуҳуддий албиса* — эскидан маълум кийимлар.

22) *Иккя мағбуллукфебъ* —

23) *Бу арабий жумланинг мазмуни: «Ақчани Зайдга бағишладим».*

24) *Мубтадий* — бошловчи, янги бошловчи.

25) *Мұтқод* — одатланган.

26) *Сабо авони* — ёшлиқнинг бошларни.

27) *Шуур синни* — англаш, тушиниш ёши.

28) *Масун, маъмун* — асралган, сақланган, кўриқланган.

29) *Табъ бебок ва лоўбодий* — таб ботир, кўрқмас ва парвосиз.

30) *Замир сайрафиси* — кўнгил сарроғи, заршуноси.

31) *Махзанул-асор*, («Сирлар ҳазинаси») буюк Озарбайжон шоирини Низомий Ганжавий (1141—1209) асарин. Низомийнинг бу асарига жавобан Навоий «Ҳайратул-абброр» («Яхшилар ҳайратланғыши») ни ёзган.

32) *«Ширин ва Хисрав» машҳур ҳинд шоирин Амир Хисрав Декълавий (1253—1325) «Хамса»сининг иккинчи достони. Навоий бу ерда «Фарҳод ва Ширин» достонини ёзишда мазкур асардан илҳомланганини қайд этали.*

33) *34) Ашраф* — XV аср ўрталарида ўтган шоирлардан «Хамса» ёзган. Навоий бу шоирни ўзининг «Хамса»сидаги достонлари «Хамса»навислар қаторида эслаб ўтади, бу ерда ҳам шунга ишора қиласди.

35) *Ҳазрати Махдум* — Навоий ўзининг асарларида, кўпинча, Жомийнинг отини атамай, «Ҳазрати Махдум, Махдумий Нураи, пир» каби сўзлар билан тилга олади.

**Жомий** (1414—1492) Навоийнинг яқин дўсти ва улуғ устози. Икковлари бир даврда бир шаҳарда яшаб, бироликда, бамаслашат ижод қилгандар.

**Жомий** Искандар ҳақидаги достонини «Хирадномай Искандарий» деб атаган. Навоий бу ерда шуну өслатиб ўтади.

36) «Эзбатут-таворих» (*Тарихлар хулосаси*) — бу асар «Тарихи анбиё ва ҳукамо» ҳамда «Тарихи мулуки Ажам» номлари билан машҳур бўлиб, икки айрим асар ҳисобланниб юрган китобларнинг ўзи бўлса керак, чунки Навоий юқорига номли икки асар борлигини бирор ўринда тилга олмайди ва иккинчиси биринчи китобнинг давомига ўхшайди. Шунинг учун биз «Эзбатут-таворих» мазкур икки асарнинг ўзи деган фикрдамиш.

37) «Насоимул-мұхабbat» (*Мұхабbat шабадалари*) — бу асар Жомийнинг «Нафахотул-унс» номли асарининг кўшимча ва иловалар билан тўлдирилиб, Навоий томонидан қилинган ёркин таржимасиди.

38) Мұхаммад пайғамбарнинг күёви, тўртинчи халифа Алининг ҳикматли сўзлари «Насорул-лаолий» (*Марваридлар сочмаси*) номи остида тўпланган, Навоий буни шеър билан таржима қилган ва «Назм-жавоҳир» (*Жавҳарлар тизмаси*) деб атаган.

39) Насир Тусий аруз имми назариячилаидандир.

Навоий шеър вазнлари ва унинг назарий масалалари ҳақида «Мезонул-авzon» (*Вазнлар ўлчови*) номли асар ёзган.

40) Расоил — рисоалар; Макотиб — мактублар.

41) Алфоз истийфоси ва иборат истиқсоси — сўзларни ўзлаштириш ва иборат (мазмунининг) тагига этиш.

42) Давовин — девонлар.

43) Ҳожа Ҳофиз Шеровий — атоқли форс-тожик шоири, 1320—1325 йиллар орасида туғилиб, 1389 йили вафот этган.

44) Кўш тирноқ орасига олингани арабча иборалар мазмуни: «худодан ингана ваҳидек», «пайғамбар ҳадисидек».

45) Татаббўз — тенглашиш учун пайравлик қилиш, изидан боғиб жавоб айтиш.

46) Маъни истийфоси вафийдур — мазмунни қамраб олиш етарлидир.

47) Кофий — етарли.

48) «Подшо ногорасининг ичи бўшу шовқин-сурони бош оғриғидир, кимки хўл-қуруққа қаноат қилса, ер юзи-ю, дengiz подшоҳидир».

49) «Лужжат-ул-асрор» — «Сирлар теранлиги»

50)

51) «Түхфат-ул-афкор» — «Фикрлар совғаси».

52) «Подшолар әнини безовчи ўти лаъл, улар бошидаги хом хаёлни пишириш учун чўғдир.

53) Таймиюмияз — муаммоли.

54) Таксию — камчилик, нуқсон.

55) «Миръот-ус-сафо» — поклиқ кўзгуси.

56) «Кўнглим ёш боладир, ишқ пири забондан, устоздир, юз қоралик сабаку мискинлик мактабхона бурчидир».

57) «Ҳило-ур-руҳ» — рух, равшанлиги.

58) «Муаллим ким?» — Ишқидир. Ҳомушлик бурчаги мактабидир, дарс — нодонлик, доно дилим унинг сабак олувчи ёш боласидир.

59) «Насим-ул-худа» — жаннат шаббодаси.

60) «Муаллим ишқидир, ақл пири сабак ўқувчи боладир, болага адаб бериш учун фалак отланувчи ҷарх бўлди... (Эски мактабда «фалак» (фалак, фалоқ) деб аталган қийнов қуроли бўлган, уни бола-

нинг икки оёғидан ўтказиб, айлантираш ва оёқ кафтига урад эдилар. Бу ерда фалак сўзи билан шунга ишора қилиб, фалакнинг айланнишини мазкур қийнов қуролига ўхшатилган).

61) «Рухул-қудс» — пок рух.

62) «Қандай яхшики, қудрат қалами билан нарсалар тасвирланган, ундан ҳар замон минг хил ажойиб нақш пайдо бўлади».

63) «Айнул-ҳаёт» — ҳаёт чашмаси.

64) «Кеча посбонлари қора чодир ёйганларида, ой юзли гўзларга жињва берадилар».

65) «Минҳожун-нажот» — нажот йўли.

66) «Кишилар кўзи нурланди юзинг шаъмидан, жаҳон кўз қоралини бўлдинг айни инсонликдан.

67) «Қувватул-қулуб» — юраклар қуввати.

68) «Ҳан-фано катта ўйланинг тор манзилидир, у ерда турма, шоҳу гадонинг ўтар йўлидир».

69) «Фусули аръба» — тўрут фасл.

70) Бурудат — совуқлик; юбусат — қурғоқлик.

71) Ҳожа Қалимиддин Салмон — бу шоири Навоий Салмон, Салмони Саважий ҳам деб зикр өтади. Машҳур форс-тожик шоири, 1377 йили вафот этган.

72) Маснуб — санъаткорона шеър.

73) Тарсиј санъати — икки мисраш шеърни бир-бирига мос сўзлар билан безаб оҳангдош қилиш санъати.

74) «Покизса юзини соғлиги баҳор юз сувини тўқди, жаннатдек манзилининг ҳавоси хушбўйлик тарқатди».

75) «Бўстонга баҳор Фаслининг шаббодаси шундай әслики, ундан дўстларга ёр васлининг хуш иси етиши».

76) Ҳалил бинни Аҳмад — араб тилшунос олимларидан бўлниб, аруз вазнларининг ижодчиси ҳисобланади. 786 йили вафот этган.

77) «Эй, сенинг юзинг жаҳонни безовчи юлдузидир, Эй, сенинг исинг хушбўйликдан жон роҳатидир,

Сочингиз кишига афтодалик келади,

Кора кокилинг фифонли тунга ўхшайди».

78) Шайх Мұслиҳиддин Саъдий — классик форс-тожик шоири ва Файласуфи. Узининг «Гулистан» ва «Бўстон» номли асарлари билан бутун дунёга шуҳрат қозонган. Шу билан бирга лирик газалнанча ҳам устоздир. 1208 йили турилиб, таҳминан 1292 йили вафот этган.

79) Лугаз — чийстон, топишмок.

80) Ҳақ — тарашибаш, саралаш, пардоzlаш.

81) Анварий — Авҳадиддин Анварий энг уста форс-тожик қасидагий шоиорлардан бўлиб, унинг қасидалари ўзининг юқсак санъатлилиги билан машҳур бўлган. 1191 йили Балхда вафот этган.

82) Мир Шоҳий — Навоийнинг «Мажолисун-нафоис»да айтишича, сабзаворлик бўлиб, оти Мир Оқмалик экан. Навоий билан замондош бўлса-да, Навоий уни кўрмаган, лекин ораларида алоқа бўлиб турган. Навоий унинг шеърдаги юқсак маҳоратини алоҳида кўрсатиб өтади.

83) Мавлоно Котибий — XV асрда ўтган шоиорлардан. Навоий «Мажолисун-нафоис» асарида бу кишининг юқсак санъаткор шоири эканини айтib, бирмунча асарларини санаб ўтади ва умрининг охирида «Ҳамса» ёза бошлаган эди, дейди.

84) Мусавадда, мусавадда — қоралама, чернавик.

- 85) *Бир қарн* — 30 йил.  
 86) *Мажман* — тўпланадиган жойи.  
 87) *Муҳотиб* — ўзига хитоб қилинувчи.  
 88) *Мушорун илайҳ* — ўзига ишора қилинувчи.  
 89) Навоий бу ўрнида тилига олган Ҳусайн Бойқаро рисоласини сўнгги кунларгача пайқамай келар эдик. Ҳақиқатан шундай бир рисола мавжуд бўлиб, бир қўлёзмаси Туркияда топилиб, фотосурати 1945 йили Истанбулда нашр этилган. Бунинг бир нусхасини бокулик профессор Ҳамид Орасли қўлга киритган, буни бизга тақдим этди. Насрда ёзилган кичик ҳажмдаги бу рисолада Ҳусайн Бойқаро ўзининг хусуси аҳволи тўғрисида маълумот беради ва Жомий билан Навоийга алоҳида ўрин ажратади. Навоийнинг ўзи айтганидек, Султон Ҳусайн уни ўзят ҳурмат билан энзик этиб, сиёсий ва адабий хизматларига юксак баҳо беради ва шундай буюк зот замонида яшаганлиги учун фахрланади ва ўзбек тили ва адабиётининг равнаси йўлида кўрсатган жонбозликлари учун уни Қаҳрамон ва Соҳибқирион деб атайди.
- 90) *Саддака* — рост, тўғри демак.
- 91) *Ҳассон Собит ва Бақит* — арабларнинг машҳур шоирларидан, хижорий тарихининг бошларида яшаган.
- 92) *Иброҳим Маҳди* (779—839) — араб Аббосий халифаларидан Маҳдининг ўғли. Бағдодда халифалик қилган. Замонасининг олимларидан бўлиб, санъат ва адабиётда ихтинос эгаси бўлган.
- 93) *Маъмун халифа* — IX асрда Бағдодда ҳукмронлик қилган араб халифаларидан Ҳороунаррашиддинг ўғли. Бунинг даврида араб маданияти анча юксалган.
- 94) *Хоқоний* — Халлоқул-маоний деган буюк унвонга эга бўлган улуғ шоир Афзалуддин Иброҳим Хоқоний 1120 йили дунёга келган. У форс тилида ижод қилган. Уз вақтида маҳоратли қасидагўй сифатида шуҳрат қозонган забардаст шоирдир. 1199 йили вафот этган.
- 95) *Камол Исмоил* — атоқли форс-тожик шоирларидан бўлиб, 12000 байтдан иборат катта девони бор. 1238 йили ўлган.
- 96) *Захир* — асли хоразмлик бўлиб Табризда яшаган. 1202 йили ўша жойда вафот этган. Шеърлар девони ҳам бор экан.
- 97) *Фирдавсий Абулқосим* — машҳур «Шоҳнома» эпопеясининг муаллифи. 934—936 йиллар орасида Туснинг бироқишида туғилган. Фирдавсий 40 ёшга қадар илм таҳсили билан шугууланиб, шундан кейин «Шоҳномаҳи ёзишга киришиб, 30 йилда тамомлаган. Бу катта эпопеянинг ҳажми юз минг мисраъдан ортиқдир.
- Фирдавсий Тус шаҳрида 1020—1026 йиллар орасида вафот этган.
- 98) *Султон Тўргул* — Салжуқий ҳукмдорларининг охиргиси. Ироқда подшолик қилган.
- 99) *Шоҳ Шужоъ* — Эронда ҳукм сурган Оли Музффар ҳукмдорларидан. Узи олим ва шоир ҳам бўлган. 1385 йили вафот этган.
- 100) *Хулогуҳон* (Ҳалокуҳон) — Чингизхоннинг невараси, Элкочиния давлатининг биринчи ҳукмдори бўлган, 1283 йили ўлган.
- 101) *Темур Кўрагон* — 1336 йили туғилбиб, 1405 йили 71 ёшида вафот этган машҳур жаҳонгир подшо — Амир Темур. Темурийлар суоласининг асосчиси.
- 102) *Шоҳрӯз султон* — Амир Темурнинг тўртинчи ўғли, 1376 йили Самарқандда туғилган, 42 йил подшолик қилиб, 1446 йили вафот этган. Улуғбек Шоҳруҳунинг ўлидидер.
- 103) *Саккокий* — XIV асрнинг охирги чораги ва XV асрнинг биринчи яримда Моварооннаҳрда яшаб ижод қилган ўзбек шоирларидан дандир.
- 104) *Ҳайдар Хоразмий* — хоразмлик бу шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳозиргача керакли маълумотга эга эмасмиз. Ҳайдар Хоразмийнинг асосан Низомий Ганжавийнинг «Махзанул-асрор» достонидан илҳомланниб ва кенг фойдаланиб ёзилган маъкурномадаги бир асари бизгача етиб келган.
- 105) *Атоий* — Тошкент билан Сайрам оралиғидаги бир қишлоқдан бўлиб, насаб жиҳатидан Аҳмад Яссавий қариндоши Исмонд ота авлодидан бўлганини Навоий «Мажолисун-нафоис»да қайд этади.
- Атоий ижодининг барқи урган даври XV асрнинг биринчи яримга тўғри келади. Атоий девони қўлёзмасининг бир нусхаси СССР ФА Осиё институтининг Ленинград бўлгимида сақланади.
- 106) *Муқимий* — Навоий билан замондош бўлган Ҳирот шоирларидан. Навоий «Мажолисун-нафоис»да: «Дарвеш машраб киши эрди. Суфия истилоҳатидан ҳам вукуфи бор эрди... туркигўй эрди, туркча таржет айтибидир, хили чошини бор... Қабри Ҳирийдур» дейди. Ҳозиргача бу шоирнинг асарлари топилган эмас.
- 107) *Яқиний* — ўзбек адабиётida мунозара жанрини давом эттирган адиллардан бири. Унинг ўзбек тилида проза билан ёзилган «Ўқ ва ёй мунозараси» асари бизгача етиб келган. Бу шоир ва адаб ҳам Навоий билан замондошдир.
- 108) *Амирӣ* — исми Юсуф бўлиб, Амирӣ тахаллусидир. XV асрнинг биринчи яримда яшаган шоирлардан.
- Амирӣ асарларини асосан ўзбек тилида, қисман форсийча ёзган. Унинг ўзбекча асарларидан билгача етиб келганилари: 1) «Девон», 2) «Даҳнома», 3) «Банг ва ҷогир мунозараси».
- 109) *Гадоӣ* — Навоийнинг ёнг улкан замондошларидан бири. У XV асрнинг бошидан охирларига қадар яшаган замонасининг машҳур шоирдир. Унинг ҳақида Навоий «Мажолис»да юксак баҳо беради ва икки разалидан намуна келтиради.
- Гадоӣнинг разалларидан бир қисми кейинги вақтда топилиб, нашр этилди.
- 110) *Мавлоно Лутфий* — Ҳиротнинг ёнг забардаст шоирларидан бўлиб, 1366/67 йиллар мобайнида туғилган. У, Ҳиротнинг чека қишлоғи Дехқонорда фақирона умр кечирид.
- Лутфий ўз замонининг туркигўй ва форсийгўй шоирдир. Лутфийнинг форс-тожик тилидаги шеърлари бизгача етиб келмаган. Бу улкан шоирнинг ўзбекча шеърлар девони ва «Гул ва Наврӯз» номли гўзал достони нашр этилди.
- Шоир Лутфий 99 йил умр кўриб, 1465/66 йилларда Ҳиротда вафот этди.
- 111) *Султон Бобир* (Абулқосим Бобир) — 1452 дан 1457 йилгача Ҳурсонда ҳукмронлик қилган. Навоийнинг айтишича, «Дарвешваш, фоний сифат ва карим ахлоқ қиши» бўлган ва табби ҳам назм айтишга мойил экан. Форсий ва туркӣ тилларда шеърлар ёзган.
- 1457 йилда ўлдирилган.
- 112) *Султон Ҳусайн Баҳодирхон* — Султон Ҳусайн Бойқаро, Ҳусайн Бойқаро номлари билан машҳур бўлган бу Ҳурсон ҳукмдори темурий наслининг охирги подшоларидан дир. У, 1438 йили туғилган, 1469 йили Ҳиротда тахтга ўтириб, 37 йил ҳукмронлик қилиди.

Султон Ҳусайн билан Алишер ёшлиқдан яқин муносабатда бўлдилар, бирга ўқиб, бирга тарбияландилар. У таҳтага ўтиргандан кейин Навоийни Самарқанддан оддироб келиб, сиёсий ва давлат аробоби даражаларига кўтади. Навоий билан биргаликда катта сиёсий, илмий ва адабий ишларни олиб борди. Ўзбек тили ва адабиётини ривожлантириш бобига Навоий билан ҳамкорликда зўр кураш олиб борди. Бу курашнинг исботи учун маҳсус насрый рисола ёди. Ажойиб лирик шоир сифатида Ҳусайнний тахаллуси билан маҳсус шеъорий девон тузди. Бу девондаги байтларнинг адабий таҳлили учун Навоий «Мажолисун-нафоис»да бутун бошли бир бобни —8-мажлисни бағишлаган, ётят юксак баҳолаган. Насрий рисоласини ва унинг аҳамиятини, Навоий, юқорида кўрганимиз каби, «Мұхокаматул-луготайн»да эслатиб ўтади.

Султон Ҳусайн Бойқаро Навоийдан 5 ийл кейин 1506 иили Ҳиротда вафот қилди.

113) Калом азлиға тарфия ва ибтиҳотлар сүз азли (шоир ва адиллар)га шодлик қа осоиышталык.

114) Уторид (*Аторид*) — саинералардан (Меркурий планетасы), қалам ахъларининг ҳомийси дейдилар.

115 Алмутакаллим — сүзловчи, сүз әгаси, сүз устози.  
116) «Мұхоматул-лугатайн»— икки тил мұхомамаси, икки тил

117) Рубойда айтилишича, асаонинг ёзилиш тарихи жумодиул—

117) Рубоида айтилишича, асарнинг ғозиги шумодай, аввал ойи, чорсанба куни, 905 хижрий йилидир. Бу тарихи ҳозир амалдаги милодий йил ҳисобига айлантирилса: 18 декабрь 1499 йилга тўғри келади. Рубоида ойнинг нечанчиси экани кўрсатилмаган, декабрь ойида 4 та чорсанба (4, 11, 18, 25) бор. Биз булардан ўртарогини олиб 18 декабрь дедик.

Навоий бу якунловчи асарини ўлимидан икки ойча муқаддам езиб тутатгânлиги маъкур тарихдан маълум бўлади.

## «МЕЗОНУЛ-АВЗОН» ҲАҚИДА

«Мезонул-авзон» гениал Навоийнинг адабий меросида ва адабиётимиз тарихида муҳим ўрин тутади. У, ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос биро даврда майдонга келди ва адабиётимизнинг шаклланишида ва ривожланишида жуда катта роль ўйнади.

«Мезонул-авзон»нинг аҳамиятини умумийроқ равишда бўлса ҳам тасаввур әтиш учун, ақалли унинг ёзилиши, майдонга келиши сабабларини аниқлаб чиқиш кифоядир.

«Мезонул-авзон» қайси шароитда ва нима мақсад билан  
жүзилди?

«Мезонул-авзон» аруз назариясига багишланган асардир. Аммо «Мезонул-авзон»ни аруз назариясини ўзбек тилида популярлаштириш учунгина ёзилган оддий қўлланма деб ҳисоблаш хато бўлурди.

Навоий бутун поэтик ижод соҳасида бўлганидек, илм соҳасида, шу жумладан, аruz илми соҳасида ҳам ўз замонасининг ёнг пеш-қадам олимларидан ўрганди. Чунончи, Навоий «Мажолисун-нафоис» да, ёшлигига мавлоно Даиреш Мансурнинг аruz хақидаги рисоласини ўқитганини ёзади. «Мезонул-авzon»дан Навоийнинг ўзидан аввалиг энди машхур аручилар: Шамс Қайс, Хўжа Наср Тусий ва

Абдураҳмон Жомийдан фойдалангани ва шунингдек, аруз илмининг асос солувчиси Ҳалил иби Аҳмаднинг илмий назариялари билан таниш экани кўринниб туриди.

«Мезонул-авзон» маълум даражада Навоийнинг ана шу билимларини йигиб, системага солган ва тушунтириб берган асаридир.

Аммо «Мезонул-авзон» учун бу сифат характерли эмас. Энин учун бошқа сифат характерлироқдир: «Мезонул-авзон» аруз илмениң проблемаларини популярлаштыриш мақсадидагина эмас, балки аруз проблемаларининг бирумична янгича талқинини бериш ва арузни бойитиши мақсадида ёзилған асардир.

«Мезонул-авзон»нинг бутун мундарижаси ана шундан гувоҳлик беради.

Навоий «Мезонул-авзон»да арунинг ҳаммага маълум қойдалашарини тушунтириш билангина чегараланмайди, балки арузга қўшимчада ва янгиликлар киргизади.

Уз олдига аруз назариясими фақат популярлаштириши эмас, балки бойитиши ва мукаммаллаштириш вазифасими күйганини Навоий ўзи алоҳида кўрсатиб ўтади. Напой ўз замонасида аруз бобида энг катта нуфузли кўлланмалардан бўлганд **Халил ибн Аҳмад**, **Хўжа Наср Тусий** ва **Абдураҳмон Жомий** колганини, бу вазнларни аруздан ўзи топганини ва «Мезонул-аввон»га киргизганини ёзади.

Аммо бу — Навоий олдига қўйган вазифанинг бир қисмидир. Вазифанинг иккинчи, бундан ҳам жуда муҳим қисми шуки, Навоий тарихда биринчи ўлароқ, туркий (қадимий ўзбек) поэвиясининг формалъ қоидаларини ўрганимоқчи, умумлаштироноқчи, чунки, ўзбек поэвияси майдонга келгандан берি хеч ким уйинг қонда ва қонундаош хакила хеч қандай асар ёзмагандир.

Навоий томонидан арзуга киргизилган құшымчалар на яңғыз диклар аузыннан ҳамма проблемалари соқасынғандылар.

Навоий, даставал, арузанинг ҳар бир соҳасини олиб текширишганда араб, форс поэзияси билан ўзбек поэзияси практикасини доимо тақдослаб боради, арузанинг ҳар бобида араб-форс поэзияси га оид фикрларни айтиш билан бирга, шу соҳада ўзбек поэзисидаги қандай хуносага келиш мумкинлигини гапиради. Масалан: рукунларининг майдонга келишини гапиор экан, Навоий арузанинг рукунларини араб, ҳам форс ва туркӣ ҳалқлар поэзиясида бир хил майдонга келишини айтиб ўтади:

Арзунинг асоси бўлган асллар ҳақида ва араб поэзиясида саккиз асл қўлланиши ҳақида гапирар экан, Навоий яна бу масала туркӣ халқар поэзиясида қандай ҳал қилиниши масаласини қўйдиган Навоийнинг Фикрича, арзунинг саккиз асл рукунидан бештаси (мадди поэтический стиль) форсий поэзияда кўпроқ ишлатилади, бошقا аслларни иншатиданни жуда ҳам кам (мустасно тариқасида) учрайди.

Шуниси хаarterлиши, Навоний аслларнинг зиҳофот ва фурунни бобида фақат шу беш аслигагина тўхтайди, форс ва ўзбек поэзини да учрайдиган (ёки кам учрайдиган) аслларнинг зиҳофотини таҳсан

этмайди. Бу билан, бизнингча, Навоий ўз олдига кўйгани вазифанинг спекификасиини (ўзбек ва форс арузини ўрганиши) уқтириб ўтади.

Баҳрлар бобига келганда ҳам Навоий арузда қабул қилинган 19 баҳрнинг қайси бирни турк-форс ва қайси бирни араб поэзиясида татбиқ этилиши масаласига муфассал тўхтайди.

Навоий аруздаги баҳрлардан тавил, мадид, басит, вофир ва комил баҳрларини алоҳида ажратади ва уларнинг ўзбек ва форс поэзиясида кам ишлатилишини қайд этади.

Шуни унутмаслик керакким, бу қисқача фикрлар тагида Навоий томонидан узоқ йиллар мобайнида олиб борнган ҳар тарафлама ва кенг текшириши иши ётади. Бундай қисқача фикрнинг ҳар бирни Навоий томонидан арузининг ўзбек ва форс адабиётидаги татбиқини ўрганиши устида қилинган катта меҳнатнинг натижасидир.

Баҳрларни группалаб, маълум доираларга жамлаганда, Навоий арузда маълум мухталифа ҳам мунтазива доираларига яна уч доира қўшимча қиласди ва уларнинг қандай қилиб майдонга келтирилганини тушунтиради.

1) «Доираи мұжтамиа» Навоий томонидан аруз системасида биринчи мартаба юзага келтирилган доиралардандир. Навоий мұнсарих, музориб, мұқтазаб, мұжтасс, сари, жадид, қаріб, хафиғ ва мушоқил баҳрларининг солим (ўзғартилмаган, бутун) шакллари орасида умумийлик топади ва бу умумийликни уларни бир доирага киризишиб билан ифода ётади.

2) «Доираи мұхталифа» Навоий шеърда кам ишлатилдиган комил ва вофир баҳрларидан тузади. Навоийдан аввали арузчиларда бу доира кам учраган:

3) «Доираи мұштабиҳа» доираси ҳам аруз назарияси учун янгиликтидир. Навоий уни араб поэзияси га хос бўлган тавил, мадид ва басит баҳрларидан тузади.

Тақтес масалаларига Навоий «Мезонул-авзон»да жуда бетафсил тўхтайди. Бу бобда Навоий ўзбек тилининг ва ўша вақтдаги имлонинг хусусиятларидан келиб чиқадиган бир кўп янги хуносаларни келтиради.

Баҳрлар ва вазнлар ҳақидаги бобнинг охири, «Мезонул-авзон» нинг жуда қимматли қисмидир. Бу жойда Навоий туркӣ ҳалқларнинг ёзув поэзияси ва фольклор тажрибаси асосида арузининг вазнлар бобига ва умуман поэтиканинг жанрлар бобига фавқулодда аҳамиятли қўшимчалар қиласди. Навоийнинг фикрича, одатда аруэ ҳақидаги китобларда келтириладиган вазнлардан ташқари, яна бир неча вазн борким, ажам (форс ва ўзбек) шоирларининг сўнггилари ва Навоийнинг замондошлари асарларида учрайди, аммо арузга тааллуқи бўлса ҳам, аруэ ҳақидаги китобларда қайд ётилмаган.

Навоий томонидан жуда таъсирли деб таърифланувчи сўнгги шакл («чанги») шу жиҳатдан характерлики, у ҳалқ поэтик шаклларидан (Навоийнинг айтишича, «турк улуси зифоф ва қиз кўчиорув тўйларида они айтурсар», унинг бир навъи аруэ қоидаларига тўғри келмайди, яъни бармоқ вазnidадир).

Ҳаммаси бўлиб Навоий тўққизата янги вазн ва шеърий шаклни қайд ётади. (Навоий уларнинг ҳалқда машҳур номларини келтиради, ёки номи ўйқ шаклларни уларнинг аруздаги вазнлардан қайси биринга тўғри келса, шу вазн номи билан атайди).

Навоийнинг шеърий шакллар ва вазнлар ҳақидаги фикрларининг яна бир муҳим томони бор. Вазнлар бобига Навоий фольклор поэ-

зиясининг метрикасига ҳам тўхтайди. Биринчидан, Навоий туркӣ ҳалқларда аруздан бошқа яна мустақил поэтик вазн, метрик форма борлигини бир неча мартаба қайд ётади.

«Мезонул-авзон»нинг майдонга келишига иккинчи катта сабаб Хурсон адабий доираларида аруэ ҳақида (айниқса, ўзбек тилида) мукаммал ва популяр асарга бўлган катта эҳтиёждир. Ўзбек адабий тилига асос солишини ўзига олий мудда билган Навоий бу эҳтиёжни сезмаслиги мумкин эмас эди.

«Мезонул-авzon» ёзилган даворда (XV асрнинг охири) аруэ ўзбек ёзма адабиётida аллақачондан бери ягона ҳукмрон метрик форма бўлиб келётган ёди. «Кутадгу билик»нинг аруэ билан ёзилганини ёзга олсак, Навоий даврида ёнди аруэ туркӣ адабиётда тўртбеш аср умр кўрмоқда ёкани равшан бўлиб қолади. Аммо ауознинг классик адабиётимизда XV асрдан аввал ҳам шунча узоқ умр кўрганига ва XV аср поэтик практикасида ҳукмрон ролни ўйнастганига қарамай, цийин ва мураккаб аруэ назариясини яхши биладиган кишилар кўп эмас ёди.

«Мезонул-авzon» Навоийнинг замондошлари томонидан катта қаноат билан қабул өтилгани бежиз эмасди. Буни бу асарга Хондамир томонидан берилган юқори баҳодан кўриш мумкин: «Эҳсонлар эгаларидан ёнг гўзалининг (яъни Навоийнинг И. С.) таснифларидан тағин бирни «Рисолаи мезонул-авzon»дир. Бу китоб туркӣ тиљда аруэ фани ҳақида ёзилган бўлиб, олий ҳазратнинг чуқур ва нозик шеърлар тўқишида жуда кўп истеъдолди ва ортиқ даражада маҳорати бор эканлиги мана шу китобдан аниқ маълум бўлади. Чунки у ўтмишдаги олимлар ва шоирларнинг сезиглари нури тушмаган бир қанча макбул баҳр қўшиб, аруэ доирасига киритган».

«Мезонул-авzon» адабиётшуносликнинг муҳим соҳаларидан бирин бўлган шеърнинг тузыниши назариясига багишланган асардир. Алишер Навоий ўзининг бу асарида адабиётшунос сифатида майдонга чиқади. Машҳур «Мажолисун-нафонс» билан бир қаторда, «Мезонул-авzon» — Навоийнинг адабиётшунос сифатида адабиётимиз ва маданиятимиз тарихида ўйнаган ролини характерлайдиган илмий ва тарихий ҳужжатлардан биридир.

Иззат Султонов